



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!


Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-йил dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-йил 9-aprel, №17 (575) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

Масъуллик

ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШНИНГ ЭНГ
МУХИМ ОМИЛИ

Безорилик жиноятнинг кўпи одатда, маҳаллалар, боғ ва хиёбонлар, дискотека, бозор, транспорт воситалари ва бошқа жамоат жойларида содир этилади. Оилавий безорилик улар ичида жуда кам фоизини ташкил қилади.



⇒ 4-бет

Саводсизликми ёки беписандлик?

Кўча-кўйга чиқсанг, одамлар ўзимизники, битиклар ўзгача. Урисча ёзувлар ёнига инглизча, яна алламбало тиллардаги пешлавлалар кўшилди. Фикрлар хилма-хиллиги каби бу ҳам яхшику-я, бироқ улар орасида тобора ўзбек тилидаги ёзувлар «дефицит» бўлиб бормоқда.



⇒ 7-бет

Тўйғу ва тафаккур жозибаси

Тасвирий санъатда сифат масаласи жуда муҳим. Рассомнинг ҳар бир яратган асарини янги гоғлар уйғунлигида, интеллектуал салоҳиятга эга бўлса, томошабин учун ҳам, маънавиятимиз учун ҳам хизмат қилади...



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 3 апрель куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

2 апрель куни «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилindi. Шу муносабат билан пойтахтимизда кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишларини олиб бориш, мавжуд тарихий обидалар ва ёдгорликларни юқори маънавий мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича амалий чоралар кўриш кўзда тутилган. Асосий ташаббуслар эса Президент Қарорига мувофиқ 2009 йил май ойида ўтказилиши режалаштирилган.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасида «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм вилоятида ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда эришилган юқори кўрсаткичлар билан бирга қонуни ижросини таъминлаш борасидаги айрим хато ва камчиликларга эътибор қаратилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган конференция қандли диабет касаллигининг профилактикаси муаммоларига бағишланди. Тадбирда қандли диабет касаллигига дучор бўлган беморлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида амалга ошириладиган ишлар яхши самаралар бераётгани таъкидланди.

Пойтахтимизда соғлом авлодни тарбиялаш асосларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси томонидан шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирларда шаҳардаги маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Тошкент шаҳрида нейрохирургиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари, нейрохирург, невропатолог, анестезиолог, реаниматолог, травматолог ва умумий амалиёт шифокорларимиз билан бир қаторда Россия ва Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Темурийлар қаҳқашони



БОҚИЙ РИШТАЛАР

Бизнинг фахримиз, ифтихоримиз

Ўтган ҳафтада Президентимиз Ислам Каримов Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиб, у ерда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорликка доир масалалар ҳақида нутқ сўзлади. Бу факт Ўзбекистон дунё мамлакатлари, шу жумладан, Европа давлатлари билан тенг ҳуқуқли асосда ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилига қатъий амал қилишининг яна бир исботидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз келгусида ҳам шу йўлда собит қоламиз.

Европа Марказий Осиё мин-

тақасининг етакчи давлатлари билан бўлган Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор, Эътиборли жиҳати шундаки, юртимиз ва Европа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар турли соҳаларни қамраб олган ва бу ҳамкорликнинг илдизи олис тарихга — Амир Темур ҳазратларининг буюк салтанати гуллаб-яшнаган даврларга бориб тақалади.

Амир Темурнинг энг муҳим фазилатларидан бири шу бўлдики, у бундан олти аср аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг кўшилари билан ўзаро яхши алоқалари, манфаатли ҳамкорлигисиз ёрқин истиқболли бўлмаслигини теран англаган. Шу сабабли, у Европа

ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, иккинчи томондан — Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқаларни ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга интилган.

Амир Темур Франция ҳукмдори Шарл VI (айрим манбаларда — Карл VI), Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда — Испания қироли Генрих III), Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда франциялик, испаниялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилгани ҳақида атрофида

БУГҲН СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҲН

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёл кўзусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайтуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Ислам КАРИМОВ

Юртимиз мустақил деб эълон қилинган, истиқлол алп одимлари билан хира тасаввурлар, пажмурда ҳаёлларни тўзғитиб, бостириб кира бошлади. Метрода биринчи марта «Мустақиллик майдони беҳиша» деб эълон қилинганда одамлар қандай ҳайратга тушганини кўз олдингизга келтира оласизми? «Дунё турғунча туради» деб башорат қилинган, барча онгу-тушунчалар шу асосда шакланган одамлар дафъатан қулоқларига, нафақат қулоқлари, суюқларига сингиб кетган йўқсиллар доҳийси номи ўрнига «Мустақиллик» сўзи янграганда доддираб қолган, кўпчилик йиғлаб юборган эди. Мамлакатда кўз кўрмаган,

қулоқ эшитмаган ўзгаришлар бўлаётган эди. Шундай кунларнинг бирида «Соҳибқирон бобомизга музей бўлармиш», деган гап тарқалди. Ҳамма бу музейга ўзини ўзини тасаввур қила бошлади. Кимдир эски бинонинг қайта таъмирланишини башорат қилса, кимдир шу майдондаги ошхона музейга айлантирилади, деб билангонлик қиларди.

Бирдан мустақилликнинг алп одамлари яна буй кўрсатди. Ҳеч ким тасаввур қилмаган даражада улкан қурилишга қўл урилди. Бу — Юртбошимизнинг шижоати, яна бир улғувор гоёси эди. Яқиндаги майдон майда бинолардан бўшатилиб, кенг масштабли бунёдкорликка киришилди.

2»

ЖАВОБ

Айбдорларга маъмурий жазо кўлланилди

«Йўлга кетган эсим вақтим». «Hurriyat», 2008 йил, 20 февраль»

Мақола «Тошшаҳартрансгаз» уюшмасининг «Тошшаҳартрансгаз» акциядорлик компаниясида кўриб чиқилди.

Мақолада шаҳар ижтимоий ҳаётидаги долзарб мавзу — жамоат транспортида эришилган нотақлар билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳақида сўз юритилди.

Ҳаққатан ҳам, бугунги кунда шаҳар йўлчини ташвиш қилганда мақолада келтирилган камчиликлар мавжуд ва «Тошшаҳартрансгаз» уюшмаси, «Тошшаҳартрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан бу каби камчиликларни бартараф этиш борасида босқинча-босқинча муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Уз хизмат кўрилгани ўта бўлган, техник талабларга жавоб бермайдиган, бир маромда ишлашга салбий таъсир кўрсатадиган автобуслар ўрнига, Самарқанд автозаводида ишлаб чиқарилган янги ИСУЗУ русумли автобуслар йўналишларга чиқаришмоқда. Республикада ишлаб чиқарилган бундай шинали автобусларни 2007 йилда 200 таси ва 2008 йил февраль-март ойларида 100 таси харид қилинди. Келгусида бундай автобусларни харид қилиш давом этади. Бундан ташқари, 2007 йилда Корёда ишлаб чиқарилган «HYUNDAI» русумли кенг ҳаёмли автобуслардан 10 таси сотиб олинди.

Мақоладаги камчиликларни бартараф этиш хусусида «Тошшаҳартрансгаз» уюшмасининг 2008 йил 4 мартдаги 18-сонли Бўйруғи чиқарилди.

Автокорхоналарда ҳайдовчи ва чиптачиларнинг умумий йиллиқларида мақолада келтирилган камчиликлар ҳамда йўлруқда белгиланган вақтлар музокама қилинди. Йўналиш тартиб-интизомига риоя этилмаган ҳайдовчи ва чиптачилар танқид қилинди.

Ҳайдовчи ва чиптачилар ўртасида оралик қатнов вақти бўйича ҳаракатланиш, бекарларда мейвондан ортиқ туриб қолмаслик, йўналишда белгиланган ҳаракат тезлигига риоя этиш, транспорт воситаларини бошқаришда қўл телефондан фойдаланиш, муомала маданиятига эътибор бериш, ойлик йўл чипталари бўлган йўловчиларга ҳурматда бўлиш ҳақида йўриқномалар ўтказилди.

Автокорхоналар ва компаниянинг ҳаракат хавфсизлиги ва тасарруф бўлимидаги камчиликларни йўлруқда белгиланган вақтлар музокама қилинди. Йўналиш тартиб-интизомига риоя этилмаган ҳайдовчи ва чиптачилар танқид қилинди.

«Тошшаҳартрансгаз» акциядорлик компанияси шаҳар аҳолига қўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни давом эттириб, ушбу масалани назорат қилиб боради.

Уз набастида компания Газета таҳририятига шаҳар жамоат транспорт ишидаги ютуқ ва камчиликлар одилона баҳоланиш мақола учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Т. ДАБАБАЕВ,
«Тошшаҳартрансгаз»
АК директори.

МОЗИЙ

«Сўзимдан англа ўзимни»

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари шахсияти юзасидан мулоҳазалар

(Иккинчи мақола)

Хазрат Соҳибқироннинг илм аҳлига ҳурмати чексиз бўлиб, фақат пайғамбар авлодларини уломалардан олдин кўйганлар. «Ун икки тоифадан... биринчи тоифа — саййидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим», дейилди Тузулар»да.

Ижод аҳлини юксак қадрлаганлари, шарафлаганлари ҳақида мисоллар кўп. Мирзо Ҳайдар Шабистарий деган озарбойжон шоирининг «Гулшани роз» дostonини ёктириб қилиб, бошдан охири ёдлаб олганлари, Шабистарий қишлоғи аҳлига мукофот инъом этганлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Эки хазратнинг Хофиз Шероий билан мулоқоти жуда эсланадиган воқеа.

Ҳалабда (бу шаҳар даврининг илмий маркази сифатида эътибор этилган эди) олимларни тўплаб мунозарага киришган Соҳибқирон уларга турли масалаларда мураккаб саволлар билан мунозара этади. Жумладан, ҳазратнинг «Жангда икки тарафдан ҳам одамлар қурбон бўлади, уларнинг қай бирлари шахид саналадилар?» сингари саволларига жавоб беришда уламолар анча қийналадилар.

Дамашқда муттасил 35 кун мулоқотда бўлган Ибн Халду билан турли мавзуларда мунозаралар олиб борадилар. Хусусан, Бобил ҳукмдорлари — Навуходонасар II ва Бухтаннасар ҳақидаги баҳсда Соҳибқирон олимдан устун келади.

Бобокалонимизнинг ёрқин заковатидан дарак берувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарихий далиллар ҳазрат Соҳибқироннинг ҳаётсевар инсон бўлганлигини тасдиқлайди. Гузалликдан завқланиш, одамларнинг шодлик дамларини қадрлаш ва уни узайтиришга интилиш, хурсанд одамга қўшилиб хурсанд бўла олиш салтанат юритиш давомида кўплаб тадбирлар ташкил қилинганда уйғунлашган. Соҳибқирон фарзандларининг суннат ва уйланиш тўйларини алоҳида тайёрларлик билан юқори кўтаринкиликда ўтказган. Шундай дамларда гуноҳкорлар афв қилинган, одамларга ҳақлар улашилган.

2»

НИГО Ҳ

Клинтонлар оиласининг даромади қанча?



Клинтонлар оиласи 2000-2006 йилларда топган даромади тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилди. Маълум бўлишича, ушбу муддат ичида Американинг икки машҳур сиёсатдон и 109 миллион доллар ишлаган. Ушбу маблагнинг де-

ярли ярми Билл Клинтон ҳиссасига тўғри келади. Мазкур муддат ичида Американинг машҳур оиласи солиқ идорасига 33,8 миллион доллар тўлаган, хайрият мақсадлари учун эса 10,25 миллион сарфланган.

5»

ТААССУФ

Шунча бўлурми ҳай-ҳай...

Сарлаҳадаги қўшиқ сатри хусн-латофатга қийсан айтилган бўлса-да, қўлимиздаги аризага қилинган ўнла суд қороларини ўқиб-ўргангач, беихтиёр «Шунча бўлурми ҳай-ҳай» сатри хаёлда айланаверди, айланаверди...

Жудаям қизиқ-да: арзиманган кичкина бир ҳолатни қонуний ва адолатли аниқлаш учун ҳўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг даста-даста ҳал қилув қарорини ажримлари, ҳатто «Олий» номи билан аталуви ҳўжалик ва умумий юрисдикция судларининг қарорлари, бош прокуратуранинг протести... «Қизиқ» деганимиз шундаки, катта-кичик инстанция судларда битта давво дам иш юри-тишдан тугатилади, дам қаноатлантирилади, дам рад этилади... Масала — муаммо эса, юқорида айтганимиздек, зигирдеккина: Адлия вазирлигининг бошқарма бошлигининг тақдиминомага имзо қўйиш ваколати бормиди ёки йўқмиди?

Бош прокуратура протестида бу саволга «йўқ» дейилган, Олий суд ажримда «бор» дейилган. Келинг, мамлакатдаги энг юқори ҳуқуқ идоралари бир масала ҳақида икки хил фикр билдиришига сабаб нима эканига аниқлик киритишдан олдин, воқеанинг ўзи билан танишайлик, кейин кўп нарса ойдинлашад.

2002 йили ёзда Кўшқўпир туман прокуратураси ушбу туман умумий оқватланиш қорхонаси директори Б. Қаландаровга нисбатан талон-торож ҳолати бўйича жиноят иши кўзгатган. Қорхона молиявий аҳолини таҳлил қилиш «Холис таҳлил» аудиторилик фирмасига топширилган. Иш бажарилган. Жиноят ишлари бўйича Кўшқўпир туман судида кўрилиб, амнистия кўлланилган. Сўнг, орадан вақт ўтиб, алаҳда судланувчи «Аудитор нотўғри хулоса берди, уни жазолашнингизни талаб қиламан» деган мазмунда Адлия вазирлигига шикоят ёзади.

2»

ҚИСКА САТРАЛАРДА

Бугуннинг нафаси

7 апрель куни Миллий матбуот марказида Бутунжаҳон Саломатлик кунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Саломатликни ўзгартириш таъсиридан ҳимоя қиламиз!" шiori остидаги тадбир "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда маҳаллий ва хорижий журналистлар билан бир қаторда вазирилик ва турли идоралар вакиллари иштирок этди.

Фарғона шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жағмаргалари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида "Биз — бир жамоамиз!" акцияси бўлиб ўтди. Тадбир доирасида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими янги биносининг очилиш маросими ўтказилди. Ёшлар фаоллигини оширишга доир лойиҳалар устида ишлаш, етакчилик қобилиятини ривожлантириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўқув-семинарлар, интерфасол сулда машғулотлар ташкил қилинди.

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида Соҳибқирон Амир Темуր таваллудининг 672 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Апрель ойи вилоятда "Амир Темури маънавияти ойлиги" деб белгиланди. Ойлик доирасида турли илмий анжуманлар, тарихчи олимлар билан учрашувлар, танловлар ўтказиш бошлаб юборилди.

Мамлакатимизда 2008 йил — Ёшлар йили муносабати билан ўтказилаётган оммавий спорт мусобақаси — югуриш бўйича марафоннинг Қорақалпоғистон босқичи бўлиб ўтди. Унда юз нафарга яқин энг кучли спортчи ўн километр масофани қисқа фурсатда босиб ўтди. Эраклар ўртасида биринчи саккизлик ва аёллар ўртасида биринчи тўртликка кирган голиблар марафоннинг мамлакат босқичига йўланма олди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармасида замонавий ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаган видео-конференция тизими ишга туширилди. Мазкур тизим орқали воҳа тиббиётчилари Ўзбекистон Анастезиологлар ва Реаниматологлар ассоциациясининг навбатдаги ўқув курсида илк бор қатнашмоқда.

Олтириқ туманидаги бешта кишлоқ врачлик пункти "Саломатлик — 2" лойиҳаси бўйича замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. "Олтириқ" кишлоқ врачлик пункти ана шундай тиббий масканлардан бири. Бу ерда 18 минг нафардан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Мазкур муассасада эмлаш, физиотерапия, лаборатория, дезинфекция хоналари, болалар ва аёллар бўлими, дорихона ҳамда кундузги стационар сингари хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд.

Хоразм вилояти Шовот туманида биологаториялар сони 15 тага етди. "Шовотдонмахсулотлари" акциядорлик жамияти қошида иш бошлаган биологаторияда кишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашиш мақсадида олтинқўз, трехограмма етиштириш йўлга қўйилди. Ўттизга яқин киши иш билан таъминланди.


Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида «Ёшлар театри» иш бошлади. Режисёр Фарход Халилов раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа қисқа вақт ичида томошабинлар кўнглидан ўрин олди. Вилоятнинг Қизилтепа туманида 300 ўринли «Ёшлар маркази»нинг фойдаланишга топширилиши эса навбатдаги хушxabарлардан бўлди.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.

Сув қадр

Газетамизнинг ўтган сонидан айтилганидек, яқинда Юқоричирчиқ сув тақсимлаш бош ишосида Тошкентдаги "Баҳри муҳит" ахборот марказининг "Матбуот ва жамият учун экологик билимлар" лойиҳаси диорасида "Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш" мавзусида медиа анжумани бўлиб ўтди. Унда эколог-публицистлар, журналистлар ва эколог мутахассислар қатнашди.

Медиа анжуманида таъкидланганидек, халқимизда "Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан" деган ибратли гап бор. Ҳақиқатан, ҳаётимизни сувсиз тасаввур қилишимиз қийин. Оби ҳаётисиз бир донга бошқоқ ёки бир чаноқ пахта толаси етиштириб бўлмайди. Дастурхонимизни беэзаб турган турли хил нознеъматлар ҳам сувсиз бўлмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Демак, сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни аниқ йўлга қўйиш нафақат республикамизнинг, балки бутун ҳамжамиятнинг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Журналистларнинг саволларига жавоб берган мутахассисларнинг фикрига кўра, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашда кенг жамоатчиликни жалб этиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жонлантириш лозим. Шунингдек, минтақамизда мавжуд сув ресурсларини асраб билиш борасидаги муаммоларни Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро ҳамкорликни аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда экологик сиёсат ва илмий, ҳуқуқий, молиявий ҳамда технологик базасини мукаммал ривожлантириш зарур бўлади. Сувдан фойдаланишда бозор муносабатларига босқинча-босқин ўтиш пайтида сувдан ҳўжасизларча фойдаланган кишини жавобгарликка тортиш ва сувни тежамли, самарали ишлатганда иқтисодий рағбатлантириш зарур килиниши ҳам кутулаётган муаммолар олдини олишда муҳим



аҳамият касб этади. Шунингдек, медиа анжумани иштирокчиларининг диққат марказида турган масалалардан бири амалдаги қонунчиликка риоя қилиш ва бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг кенг қамровли бажаришга эришиш, яъни сувнинг магистрал каналлардан тортиб то далага борганига қадар қатъий ҳисобини юритиш, белгиланган лимитдан ортиқча сув олмастлиги, сувнинг ҳудуда-бехуда сарфини олдини олиш ҳар бир инсоннинг кундалик одағига айланиши лозим.

Кўпчилик бу гапларга панжа орқасидан жимгина қараб қўя қолишади. Аслида-чи? Гарчи ер шарининг асосий қисми сув билан қопланган бўлса-да чучук сув унинг атиги 2 фоизини ташкил этади. Шундай экан, ер юзига ҳаёт давом этиши учун сувни, сув манбаларини, айниқса, ичимлик суви захираларини эҳтиёт қилишимиз, уларни беҳудага ифлослантирмасдан оқилона фойдаланишимиз лозим. Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё минтақаларида айни кунларда сув етишмаслиги доимий ҳолатга айланган. Бундан ташқари ҳозирда инсониятнинг ҳар 10 тадан 4 таси тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. Агар ишлаш шў тарихга кетаяверса, бу ҳолат 2025 йилга бориб, ҳар 10 кишининг 6 таси ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза

ичимлик суви танқислигига учраши мумкин. Республикаимизда асосий сув оқимлари Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Маълумки, улар Орол денгизи сув ҳавзасини ташкил этади. Ушбу дарёлар сувидан фойдаланиш давлатларaro битимлик асосида амалга оширилади. Чунки дарёлар сувидан қўшни республикалар ҳам фойдаланишади. Агар Марказий Осиё давлатлари мукаммал тизим ёки система асосида келишган ҳолда иш олиб бурса кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Акс ҳолда сув тақчиллигини бутун минтақани қамраб олиш эҳтимоли юзага келади. Яна бир гап, кейинги вақтларда минтақадagi дарёлар оқимларининг сув сарфини аниқлашда тоғларда, музликларда, дарё ўзланларига фаолият кўрсатаётган гидрологик постларнинг сони камайиб кетганлиги боис, аниқ маълумот тўплаш-узатиш ва баҳорат қилиш оқсоқлиги қолган. Қолаверса, тоғ тизмаларида ёғадиган қор ва ёғирларнинг ерга шимиллашди муҳим аҳамият касб этувчи восталар ҳисобланган ўрмонлар, ўтлоқлар ва тўқайзорларнинг камайиши ҳам сув билан боғлиқ янги муаммоларни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Орол денгизи қирғоқлари бўйида маҳаллий сув ҳавзалари барпо этиш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш

ҳам фойдалан ҳоли бўлмайди. Яъни Оролга зарур миқдорда (курулаётган сув ҳавзалари ҳажми ва гидротехник ишосотлар қувватидан келиб чиққан ҳолда) сув ўтиб туришини таъминлаш керак.

Бугунги кунда республикамизда сув ресурсларидан фойдаланиш ва тақсимлаш ишларида бир қатор ишлар амалга оширилади келинмоқда. Бизнинг давлатда сув ресурсларини чегараланганлигини инобатга олиб, сувдан самарали фойдаланишда жўлларда Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) тузилган. Уюшманинг асосий ишларидан бири одамларга эҳтиёжга қараб сув тақсимлашдир. Бу эса сувдан унумли фойдаланиш имкониятини яратди. Шу боис СФУларнинг фаолиятини янада кенгайтириш ва жонлантириш лозим.

Маълумотларга назар ташласак, эҳтиёж учун зарур сув ресурсларининг 15-20 фоизини республикамиз ҳудудида ҳосил бўлишининг гувоҳи бўламиз. Қолган сув захиралари қўшни республикалардан оқиб келувчи дарёлар орқали тўпланади. Шу ўринда мамлакатимизда бир йилда ўртача 5,5 миллиард метр куб сув ресурслари ишлатилиши ҳам айтиб ўтиш керак. Шу каби фикрлар ҳам анжумани иштирокчилари томонидан айтиб ўтилди.

Азим РЎЗИЕВ

Бизнинг фахримиз, ифтихоримиз

(Бошланғич 1-бетда.)

Ўтган олти юз йил мобайнида Соҳибқирон бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида беш юздан зиёд бўлса, шарқ тилларида қарийб мингтага етди. Бу китоблар орасида Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темури саройига саёҳат кундалиги 1403-1406" номи асари, ҳеч шубҳасиз, алоҳида ўрин тутди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Европа ва Осиёдаги кўпball мамлакатлар ҳўкмдорлигига элчилар йўлаган ва йигирмадан ортиқ хорижий давлат элчиларини ўз салтанатида қабул қилган.

Ўша даврда Амир Темурининг шўҳрати дунёга таралган эди. Шу сабабли Соҳибқироннинг элчиси Муҳаммад Кеший Кастилия қироли Дон Энрике III ҳўзурида катта ҳўрмат-эътибор билан кутиб олинди ва маълум муддат ўтган, қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўйди. Шундай қилиб, 1403 йили узоқ ва машаққатли йўлга чиққан испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йили август ойи охирида Самарқандга етиб келди.

Клавихо анча вақт давомида Амир Темури саройида яшган ва бу ерда Амир Темурини кўриб, у билан бевосита суҳбатда бўлган. Ана шу юзлама мuloқотлар асосида ёзилган хотиралари Руи Гонсалес де Клавихони оламга машҳур қилиб юборган. Шунингдек, унинг қаламига мансуб Самарқанд сафари кундалиқларининг ҳаққонийлигини янада оширган. Ўша вақтда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асарлари орқали мамлакатимиз, бу заминда яшовчи халқларни таниган. Амир Темури давлатида юриштилаётган сиёсат, минтақамиздаги сиёсий жараён, халқимизнинг маданияти ва илмифанда эришган ютуқларидан бохабар бўлган.

Яқинда "Амир Темури Европа элчилари нигоҳида" номи остида илк бор ўзбек тилида chop этилган тўпلام ўзбек китобхоналарига ноширларимизнинг ажойиб тўхфаси бўлди. Ушбу китобдан Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ва Султония архиепископи Иоанн хотиралари жой олган бўлиб, ҳар икки элчи ўз вақтида шавкатли саркара ва давлат арбоби Амир Темури билан юзма-юз мuloқотда бўлган. Шу маънода, архиепископ Иоанннинг "Амир Темури ва унинг саройи ҳақида хотиралари" асари ҳам Клавихо кундалиқлари каби бирламчи манба саналишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги китоб Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди. Руи Гонсалес де Кла-

виҳо кундалиқларини испан тилидан Баҳодир Эрматов ўзбек тилига таржима қилган. Амир Темури одатда Европа мамлакатларига масихийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско Садури, Султония шаҳри архиепископи Иоанн ана шундай вазифаларни адо этганлар. Мисол учун, 1402 йилда рухоний Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган.

Бугун Клавихо, ибн Арабшоҳ, ибн Халдуно номларини ва уларнинг асарларини юрtdoшларимиз яхши биладилар. Аммо, афсуски, рухоний Иоанн ва унинг хотиралари бизда ҳам, Россияда ҳам аксарият кўпчилик учун номаълумлигича қолмоқда. Ваҳоланки, элчи Иоанн хотираларида Соҳибқирон Мовароуннаҳр тағтига ўтирган кундан бошлаб 1402 йилнинг августигача бўлиб ўтган асосий воқеалар қаламга олинган.

Архиепископ Иоанн ўз хотираларида Амир Темури ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бир қатор бошқа манбаларда тасдиқланган аниқ тарихий маълумотлардан ҳам, шунингдек, Соҳибқирон шахси ва ҳатто унинг феъл-атвори, диди ва таъби ҳамда қизиқишлари ҳақида қимматли, баъзан бошқа турли афсона ва ривоятлардан ҳам кенг фойдаланган. Шу боис мазкур асарни, биринчидан, ўша тарихий давр воқелигидан келиб чиққан ҳолда, иккинчидан, Амир Темури элчиси сифатида архиепископ Иоанннинг зиммасига юкланган муайян вазифалар маъсулиятини эътиборда tutиб мутлолаа қилиш ўринлидир.

Ҳар икки элчининг тарихий хотираларини ўзида муҳасам этган мазкур асар юртимизда ўзбек тилида chop этилгани, бир томондан, Ўзбекистон билан Европа давлатлари ўртасида маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, буюк аждодимиз Амир Темури руҳи олдидаги ворислик бурчимиз ижобатидир.

Ҳа, Амир Темури бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз. Мамлакатимиз истиклолга эришгач, Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тисолига айланди. Истиқлол йилларида Соҳибқирон номи, сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, маданий-маърифий илдизларимизни чуқур ағлашда, қудратли келажакимизни қуришда, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтиришда бизга янги-янги кучкуват ва шижоат бағишлаб турибди.

Акмал САИДОВ,
юрлик фанлари доктори, профессор.

Темурийлар қаҳқашони

(Бошланғич 1-бетда.)

Авалло, 1996 йил 14 мартда Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳўзурида Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу дастурий ҳўжатда барпо этилажак илмий-маърифий қoшонанинг сурати ва сийрати акс этган эди.

Курилиш майдонида кўтарилган баланд темир ҳавозалар, осмонўпар кранлар ишосотнинг улғуворлигидан далолат беради. Юмушлар бир зум тўхтагани йўқ. Бунёдкорлик ишларининг боришини Президентимизнинг ўзлари кузатиб бордилар. Бир неча марта таширф буюриб, зарур кўрсатмалар бердилар. Музей биносини тиклашда унутулиб бoрилаётган қўллаб

меъморчилик услубларидан фойдаланилди. Унинг деворларини милоикалар, ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлиги, ҳусниҳат намуналарини беэзади. У чиндан ҳам тенгсиз эди.

Қoшона 1996 йил 18 октябрда биринчи томошабинларни қабул қилди. Шу кун миллий аъналадаги асосида тантанали тадбирлар уюштирилди. Уларда Юртбошимиз бош-қoш бўлдилар.

Мана, қарийб 12 йилдирки, музей эшиклари халқимиз, меҳмонўпар учун очик. Улар сафида мактаб ўқувчисидан тортиб, хорижий меҳмонгача, нуруний отахонлару онахонлардан йирлик давлат арбобларигача бўлади. Ҳозиргача бу табарруқ гўшани, музей маъмуриятининг берган маълумотларига қараганда, бир ярим миллионга яқин киши зиёрат қилди. Шу йиллар давоми-

да музей заллари ҳар жиҳатдан бойиди. Агар очилган пайтда ноёб тарихий, инсоний қадриятларни ўзида ифодалаган, олти юздан зиёдрок буюм кўргазмага қўйилган бўлса, бугун уларнинг сони беш баравар кўпайган. Айни кунларда ҳўкмдорлик қилган Темурий шаҳзодалар, милоикаларнинг йирик суратлари яратилиб, томошабинлар диққатига ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

Музей очилаётганда бу жойнинг йирик илмий марказлардан бирига айланиши юзасидан эзгу фикрлар билдирилган эди. Бу истак амалда ўз исботини топаётти. Музей жамоасининг савий-ҳаракати билан йирик шаҳарларимиз юбилейларига бағишланган рангли фотоальбомлар шу ерда тайёрланди. Қадимги тарихий ёдгорликлар юзасидан қа-

талоглар доимий нашр этиб турилади. Мунтазам равишда тематик кўргазмалар, илмий анжуманлар ўтказиб бoриш кун тартибидан муҳим жой олган. Шунингдек, музейда талабалар иштирокида дарс машғулотлари ва амалий семинарларни намунали ташкил этиш имкони мавжуд.

Бугун республикамиздаги энг гавжум ва энг кўп томошабин таширф буюрган маскан сифатида эътирфo этилган Темурий бўйича Мирзо Улуғбек туманларо сўдига даъво ариза-си билан мурожаат қилди. Сўдининг 18.01.2005 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаб қилди. Тошкент шаҳар сўди апелляция инстанцияси уни ўзгартириш қолдирди. Зоирбой Ҳудойқулов янги очилган ҳолат бўйича туманларо сўдига такоран қилган мурожаати 19.07.2006 йилдаги ажрим билан рад этилган. Шаҳар сўди апелляция инстанцияси уни ўзгартириш қолдирди.

Расул ПАРДАЕВ

Шунча бўлурми ҳай-ҳай...

(Бошланғич 1-бетда.)

Эътибор беринг, бу даврда у сўд белгилаган асосий ва қўшимча жазони тўлиқ ўтаб бўлмайдан туриб, Қўшқўпир тумани тadbиркорлар палатасининг раҳбари лавозимида ишлар эди. Узи тadbиркорими-йўқми номаълум, лекин кеча давлат мулкани талон-торож қилишда айбонлиб судланган одам бугун тadbиркорлар идорасига раҳбар бўлиб, унинг юқоридаги аризаси асосида вазирликнинг кичик ва ўрта тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳўмоя қилиш бошқармаси имзоси билан тегишли идорага тақдимнома тайёрланди. Мазмуни, аудитор 3.Худойқулов туман умумий оватқатлини қорхонаси бўйича ўтказган текширувнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилганда айрим далиллар бўйича шубҳа уйғонган ва аудитор уни аниқ ҳужжатлар билан асослаб бера олмаган. Шунинг учун, унинг малака сертификатини бекор қилишгача жазо чораси кўриш лозим... Шу тарихда, 3.Худойқулов 2004 йил 3 мартдан бошлаб аудиторлик фаолиятдан маҳрум этилган.

Ана шундан сўнг, судма-суд, судма-суд... Суд ҳужжатларини тўлиқ санаб чиқмадик-у, шикоят аризада ёзилишича, 50 мартага яқин судларга қатнабди! Яна қаердан денг? Хоразмдан Тошкент, денг сиз минг километр масофа! Тошкент шаҳар хўжалик сўди 2005 йил 13 январда даъво қарори билан кассация инстанциясининг қарори бекор қилинди, ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарори ўзгартириш қолдирилди.

Шундан сўнг Зоир Ҳудойқулов аудиторлик фаолияти юритиш тўғрисидаги лицензияни қайтариб олди. Бирок, шошиланг, унинг қувончи узоққа чўзилмади. Бу сўд деганлари, чеки-чегараси йўқ — давом этаверар экан: юқоридаги сўдининг кассация инстанцияси 2005 йил 19 апрелдаги қарори билан аввалги суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабларини рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилди!..

Зоирбой биландиган ҳуқуқшунослардан суриштирса, судлашувни ҳали давом этираверши мумкин экан. Дарров шундай қилди — Олий ҳўжалик сўди раёсатига шикоят эъди. Бу юқори инстанция раисининг ўзи имзо қўйган 2006 йил 23 февралдаги қарори билан кассация инстанциясининг қарори бекор қилинди, ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарори ўзгартириш қолдирди.

Шундан кейин яна бир қизик ҳолат рўй берган: Тошкент шаҳар хўжалик сўди 2005 йил 15 июнда ушбу низоли иш бўйича "Иш юритишни тутатиш тўғрисида" ажрим чиқарган. Яъни мазкур иш хўжалик сўдига таллуқли эмас, деган мазмунда. Шу сўдининг апелляция инстанцияси 21.07.2005 йилдаги қарори билан апелляция шикоятини рад этиб, юқоридаги ажримни ўзгартириш қолдирди.

Қаҳрамонимиз, иштаҳа овқатланши пайтида келди деганларидек бўлдимми ё шаҳар хўжалик сўдининг "Бу фуқаролик сўдига таллуқли иш" қарорига амал қилдимми, иккинчи йўна-

лишда ҳам судлашувни бошлаб юборди: малака сертификатини қайтариб бoриш, аудиторлик фирма ҳодимларининг мажбурий бекор юрган кунлари учун 6.724.481 сўм моддий ва маънавий зарар ундириш ҳамда мансабдор шахсининг ҳатти-ҳаракатини ноқонуний деб топиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманларо сўдига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Сўдининг 18.01.2005 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаб қилди. Тошкент шаҳар сўди апелляция инстанцияси уни ўзгартириш қолдирди.

Зоирбой Ҳудойқулов янги очилган ҳолат бўйича туманларо сўдига такоран қилган мурожаати 19.07.2006 йилдаги ажрим билан рад этилган. Шаҳар сўди апелляция инстанцияси уни ўзгартириш қолдирди. Ниҳоят, республика Бош прокурорининг ўринбосари имзолаган 2006 йил 28 ноябрдаги протестда ана шу суд қарорлари бекор қилиниши лозимлиги сўралган ва, албатта, қайси сабабларга кўралиги таъкидланган. Ушбу протестда мақоланинг

бошланғичида эслатилган кичик бир муаммо — Адлия вазирлиги фирма ҳодимларига ваколати йўқлиги таъкидланган. Яна бир муҳим ҳолат кўрсатилган: "3.Худойқулов томонидан ўтказилган текшириш "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасига кўра, аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддатини тутатиш учун асос бўла олмаслиги сўдининг эътиборидан четда қолган". Бирок...

Бирок Олий фуқаролик ишлари бўйича сўдлов ҳайъати 2007 йил 8 январдаги ажрим билан бу протестни қаноатландирмасдан, бу иш бўйича чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш қолдирди. Ажримда, бошқарма бошлигининг тақдимномага имзо қўйиш ваколати борлиги таъкидланган. Унисини ҳам, буниси ҳам тўғри. Гап шундаки, мазкур бошқарма тўғрисидаги йўриқнома тақдимномага вазир ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган, шунинг чоралар кўрилиши талаб этилаётган ҳолатда бошқарма бошлиги томонидан имзоланиши мумкин, дейилган.

Ана энди, шу-у-унча судлашувлар, шунча оворою сарсон-гарчилик, шунча моддий ва маънавий зарар ортида турган биттагина катта савол туғилди: Талон-торож учун жиноий жавоблар томонидан ўтказилган текшириш содир бўлиши мумкинми? Янаям аниқроқ айтилганда, аудиторлик лицензиядан маҳрум қилиш тақдимнома жўнатиш "шошилинч чора кўриш талаб қилинадиган" ҳолатимиди? Қачонки, айбланувчи судланган, сўдда аудитор ҳулосаси ҳато деб топилмаган, суд ҳўкми қонуний қанда турган бўлса?

Демак, бошқарма бошлиги учун "шошилинч ҳолат" сифатида тақдимнома имзоланган бу ҳолат аслида шошилинчиди-йўқми? Суд белгилаган жазо муддати турмаган Б.Қаландаров аслида тadbиркоримиди-йўқми? Албатта, бу саволлар жўяли жавоблар талаб қилади.

Рўзимбой ХАСАН,
журналист.

ТАРИХ ВА БУГУН

“Сўзимдан англа ўзимни”

(Бошланғич 1-бетда.)

Шунингдек, ҳарбий юришларда қозонилган ғалабалар ҳам муносиб нишонланган, жангларда жасорат кўрсатган лашкарбошилар, баҳодирларни Соҳибқирон ўз дастурхонига тақдир қилиб, ўз қўли билан илтифот кўрсатган, уларга оталик, устозлик меҳрини намойиш этган. Бундай муносабат уларни ва бошқаларни янги жасоратларга илҳомлантирган. Хуллас, бобокалонимиз ўз феъл-атвори билан бағри кенг, қалби тоза, мард, руҳи бардам, ҳушёр ва тадбиркор инсон тимсолини намойиш этганлар. Ул зот учун бир-бирларининг қайғуси, ташвиши бегона бўлмаган. Узи ҳам ҳаёт зарбалари, оғир йўқотишлар қаршисида тушқунликка тушиб, ҳаётдан беэшиш ҳолатларини кўп бора бошидан кечирган. Айниқса, суоқли қизи Тоғайшохнинг вафоти (1381) унга ёмон таъсир этган, салтанат ишларидан бутунлай совиған эди. Танг вазият эса уни сафга чорларди. Опаси Кутлуг Туркон оқанинг далдаси билан яна жанг либосини кийишга, исён кўтарган худудларга юришга мажбур бўлди. Шу тахлит тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мотамида лашка чўғдек қўйди, Умаршайх Мирзо халок бўлганда тоғдек бардош билан чидади, валиаҳд сифатида танлаган набираси Муҳаммад Султоннинг вафоти эса уни бутунлай йиқитиши мумкин эди. Бироқ чекига тушган улкан юк унинг таълим бўлмаслигини, биликс, салтанат кўш падидек тўзиб кетишини таъкидлаб турар эди. Шунинг учун миллат, Ватан истиқболи учун шахсий дардларини унутишга мажбур эди. Ҳаёт ҳазратни оғир синовларга рубурў қилган, у ҳаммасини енгиб, голиб бўла олган. Ибн Арабшох ёзади: “У ҳазилмазаҳ ва ёлғонни ёқтирмади, гарчи (сўзда) ўзига озор етдида бирон нарса бўлса ҳамки, садокат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ)дан шодланмас эди”.

Ибн Арабшох давом этиб, ёзади: “У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қилади, эмида қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. ...ўз фаросати билан ҳаққий ва ёлғончини ажратар эди. Уз фикри билан сал бўлма-са учар юлдузани тўғри йўлга бошқара оларди”.

Соҳибқироннинг раият (халқ, омма) ва лашкар орасида бўри си жуда юксак бўлган. Бу ҳақда Ибн Арабшох шундай қайд этади: “Агар уларга ‘Темур — Худо’ деса, ҳаммаси ишонарди”. Албатта, бундай меҳри юксаклигини сабаблари кўп. Уларнинг асоси, бизнингча, жами ҳаракатларнинг замирида “Куч — адолатда!” тамойилининг қўйилгани бўлса керак. Соҳибқирон адолатидан юқори фақат Аллоҳ бор, Адолат қаршисида шох ҳам, гадо ҳам тенг. Шубҳасиз, бу талабнинг нақадар ҳаётлиги ҳазратнинг таржимани холи, турмуш тарзи орқали тасдиқланган. Шунча дабдабаю ас-са билан ўзига бирон имтиёз талаб қилмаган зот сафарларда лашкар билан тенг шароитда яшаган: бир хил шароитда ухлаган, бир қозондан овқатланган. Вазият талаб қилса, ўз фарзандларини одилона жазога мустаҳқил қилган. Жумладан, ўғли Мироншоҳ, набиралари Хусайн, Искандар, Халил Султон намойишқорона жазоланган. Жангда



АМИР ТЕМУР

суствашлик қилгани учун лашкарбошилар сазойи этилган, кўрқоқлиги сабаб мол-мулкдан мосуво бўлиб, бадарга қилинган.

Соҳибқироннинг илтифоти ҳам бисёр бўлиб, ўзгаларнинг фикрини ҳурмат қилишга жуда эътибор берган экан. Жумладан, жамоатчилик фикрини қадрлаб “Халқнинг хос қисми бу масала (қўрилаётган бирор тадбир кўзда тутилган - Х.С.) чуккур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуйисига йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам — фарқи йўқ, ҳеч бир тортинмасдан гапирверсин. Чунки агар хато қилса, бу нуксон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, бу икки хисса муқофот”, дейрди (Ибн Арабшох). Агар бу қириқмининг замиридаги маънога назар солсак, унда ақоли барча табақаларнинг фикрига эътибор билан қараш лозимлиги таъкидланаётганини сезиб олиш қийин эмас. Демак, ана шундай баркиренгликнинг амалда бўлгани салтанатнинг мустақамлигини таъминлаган омиллардан бири эди.

“Темур тузуқлари”да “Салтанатини ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргизди. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб тузди”, дейилади. Демак, жами нуфус (аҳоли)ни ўн икки табақага ажратишда Соҳибқироннинг ўз талаблари бўлган. Бу талаблар пирларнинг насиҳатлари, олимларнинг маслаҳатлари, китоблардан ўрганилган илмлар ва албатта, ҳаётий тажрибалар асосида шаклланиши ҳам шубҳасиз. Жамият аъзолари ҳақида бундай аниқ муносабат изҳор қилганини дунё ҳукмдорларидан қай бирида учраганини, йўқми билмадик-у, бироқ шундай қатъий тўхтамга келиниб ва мамлакатни боқиб туриш тизимини шу асосда яратилган — дунёда тенгсиз ҳодиса, шахонинг чинакам беназир ва ноёблиги

ни исботловчи ёрқин далилди. Ана шундай юксак зотнинг феъл-атворини тавсифлашга ҳар қандай бўёқ хира тортиб қолиши, ҳар қандай сўз ожизлиги — рост гап. Албатта, улкан салтанатни бир туг остида ушлаб туришини таъминлаган қаттиққўллик (шафқатсизлик эмас) ва талабчанлик фазилатларини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Масоф ва урушлар. Шубҳасиз, жаҳон ҳарб санъатида Соҳибқирон Амир Темур сингари ҳаётини ҳарбий сафарларда ўтказган, кўп ва хўб жанг қилган бўлса керак. Албатта, бу ўринда бобокалонимиз кўмондонлик қилган жанглар миқёс-агар хато қилса, бу нуксон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, бу икки хисса муқофот”, дейрди (Ибн Арабшох). Агар бу қириқмининг замиридаги маънога назар солсак, унда ақоли барча табақаларнинг фикрига эътибор билан қараш лозимлиги таъкидланаётганини сезиб олиш қийин эмас. Демак, ана шундай баркиренгликнинг амалда бўлгани салтанатнинг мустақамлигини таъминлаган омиллардан бири эди.

“Темур тузуқлари”да “Салтанатини ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргизди. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб тузди”, дейилади. Демак, жами нуфус (аҳоли)ни ўн икки табақага ажратишда Соҳибқироннинг ўз талаблари бўлган. Бу талаблар пирларнинг насиҳатлари, олимларнинг маслаҳатлари, китоблардан ўрганилган илмлар ва албатта, ҳаётий тажрибалар асосида шаклланиши ҳам шубҳасиз. Жамият аъзолари ҳақида бундай аниқ муносабат изҳор қилганини дунё ҳукмдорларидан қай бирида учраганини, йўқми билмадик-у, бироқ шундай қатъий тўхтамга келиниб ва мамлакатни боқиб туриш тизимини шу асосда яратилган — дунёда тенгсиз ҳодиса, шахонинг чинакам беназир ва ноёблиги

фақат бир зотнинг шахсини тўлароқ тасаввур қилиш, шу орқали инсон фарзанди нималарга қодирлигини бир чамалаб кўриш учун лозим, холос.

Хусусан, ўша замон кишиларнинг либослари, таомлари ва бошқа маиший ҳаёт унсурларини ўрганиш ҳам қизиқ манзараларни намойиш этиши мумкин. “Бобурнома” муаллифи ўз отасининг либослари ҳақида “Тунни бисёр тор кияр эди, дасторини дасторпеч чирмар эди. Ёзлар гапри девонда аксар мўғули бўрк кияр эди” тарзида ёзади. Афсуски, Соҳибқирон бобомиз ҳақида бундай аниқликда рақам қилиш имконидан хорижмиз. Бианинча, Ўзбекистон “Ойнаи жаҳон” орқали намойиш қилинган Алишер Навоий ва Бобур Мирзо ҳақидаги телефильм ижодкорлари XV асрларга хос либосларни яратишда муваффақиятга эришганлар.

Албатта, илм-фан, санъат, савдо-сотик ривожланган у даврда ошхона маданиятида ҳам юксак даражада эришилган. Хусусан, Самарқандда ташкил этилган олтиш кунлик тўй (1404 йил, ёзи)да қатнашган Луи Гонзалес де Клавихо тўкин дастурхонларни ҳайрат билан таъкидлайди: “Дастурхонга тузланган ва қовурилган, бутунлай ёки бўлиб-бўлиб пиширилган от ва кўй гўшти тортиди. Гўшларни доира шаклидаги зарҳал чарм суфраларда судраб олиб келди. Гўшт шу қадар кўп эдики, суфрани уч юзтача одам судраб олиб келди... Гўштхўрлик тугагач, устига дастурхон солинмаган хонтахталар келтирилди, унинг устига тузланган гўшт, гурч ва бошқа таомлар, ширинлик солиб пиширилган нон қўйилди”. Бу асасалар Темурбек хузурида бўлаётган эди. “Улуг амир лўлаболишга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устида ўтирарди. Подшоҳнинг эғнида гулсиз силлиқ шохи яқтак, бошида узун телпак, телпакнинг телпачида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган. Яна ёзади: “Дастурхонда қовурилган ва қайнатилган от гўшти, қайнатилган ва дулланган кўй гўшти, ўз удумларига кўра ҳар хил усулларда тайёрланган гуручли овқат кўп бўлди”. Сайёҳнинг эсдаликларидан ўша замонда ҳам тандир қабоб (“дудланган кўй гўшти”) ва паловхон-тўра таомилда бўлганини сезиб олиш қийин эмас.

Бу сезимлар эса бизнинг буғунги ҳаётимиз билан ўша фарқли кунлар — бундан олти юз йиллар олдинги замон мўғулларида олтин кўприк мавжудлигини, бу боғланмиш бугун ўзганини қайтадан намойиш қилишга кирришган халқ турмушида аққол кўзга ташланаётганини тасдиқлайди. Бир халққа хос урф-одат ва анъаналар — жами қадриятлар йиллар оша бойиб, тақомиллашиб боради. Жумладан, бу пайтлар Мовароуннаҳр худудларида кўчманчи мўғуллар жорий этган тартибларни бар-таъриб эътиб, бобокалонимиз шаҳарлашган ўтроқ маданиятга асос солган эди. Бу маданият дурдоналари асрлар оша сай-қал топиб, бугун ўзбек халқининг менталитетини ташкил этмоқда. Асрий обидаларда муҳрланган санъат, дунёни лол қолдирган тафаккур бугун ўзи ҳақида ўзи сўзламоқда. Бу изҳор хали кўпball саҳифаларда қайта-қайта дарж этилаверарди.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

ҲИҚМАТ

Буюк Амир Темур ўғитлари

Агар бирон ишни қилмасликка сўз берган бўлсанг, унинг яқинига борма.

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстанд яхшироқ.

Ақлли киши учун тўла бахт-саодат билан келган хурсандчиликдан кўра, азобу уқубатдан кейин келган хурсандчилик афзалдур.

Ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир сўраб, фикрини бил.

Аҳдига вафо қилмаган киши охири жазога муштало бўлади.

Билган ва таниган одамларингни унутма.

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўллари билгиллаб қўй.

Бир қалима ширин сўз қилишни қинига солади.

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзалроқ.

Бировдан ёмонлик ахтарма, айтсалар эшитма.

Бирон кимсаннинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч қачон унутма.

Бошсиз мамлакат — жонсиз танадур.

Бўлиб ўтган ишга азият чекма, ҳосил бўлган ютуқдан шодланма.

Вазирлар ва амирлар хусусида яхши-ёмон гап қилсалар — эшит. Лекин, ҳукм чиқарганда, бутун ҳақиқат очилмагунча шовилма.

КЎРГАЗМА

Урганч суратлар галереясида

Урганчда таниқли рассомларнинг ижод маҳсули бўлган суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

— Кўргазма галерея ҳазинасида сақланаётган 50 га яқин рангтаъсир ва графика асарлари ҳам намойиш қилинмоқда, — дейди мазкур даргоҳ директори Озод Султонов, — “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” академик рассом Отаҳон Оллабергановнинг, Сафо Дўстқоновнинг, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбековнинг ўзига хос тарзда яратилган асарлари томошабинларда чуккур таассурот қолдирмоқда.

Суратлар гўзал ва ранг-баранг. Уларнинг барчасида янгилиниш ва яшарли фасли, тинчлик элчилари бўлган қалдирғочлар парвози, она юрт мадҳи тараннум этилади.

Ўз мухбиримиз.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

Тошкент трамвайи

Унинг пойтахтимиз аҳолисига хизмат кўрсатаётганига 100 йилдан ошди

Аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда Тошкент шаҳридаги 2-сонли трамвай Депоси ва у ерда хизмат қилаётган ишчиларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ. Негаки, айни кунларда бу ерда замонавий технологиялар жорий қилиниб, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда халқимизга намунали хизмат кўрсатишга эътибор қаратишмоқда. 2008 йил — “Ёшлар йили” муносабати билан эса Депо маъмурияти ва корхона касабая уюшмаси кўмитаси ўзаро ҳамкорликда ёшларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқди. Чунки корхонанинг 50 фоизидан ортиқ ходимларини ёшлар ташкил қилади. Жамоада ёшлар ўртасида кўпгина замонавий ва миллий ўйинларда мусобақалар ўтказилади. Шунингдек, бу ерда маърифат ва маънавият маркази, тиббиёт бўлимлари фаолият юритмоқда. Маънавият хонасида юртимиз тарихини акс эттирувчи ҳамда буюқ аждодларимиз фаолияти билан таништирувчи, бугунги ўзгаришлардан маълумот берувчи махсус рангли суратлар кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Депо хизматчиларининг доимо соғлом юришлари учун эса турли хил спорт мусобақалари тез-тез ташкил этилиб



турилади. Корхонада эрта тонгда маршрут йўналишида йўлга чиқаётган трамвай ҳайдовчилари ҳар кунги тиббий кўриқдан ўтиши қатъий талаб қилинади. Бундан ташқари тиббий кўриқдан ўтиш учун шохобчалар ҳам ташкил этилган. Ишчиларнинг бўш пайтларида машҳур кишилар, эл севган санъаткорлар ҳамда танкили спортчилар — олимпиада чемпиони би-лан учрашувлар ўтказиб турилиши аниқлаб қилинган.

Ушбу меҳнат жамоасида махсус услубий тавсияномалар идораси ташкил қилинган. Қолаверса, ҳар ҳафтада, республика матириаллари асосида ички ва ташқи сиёсатдан, иқтисодиёт, маданият ва маърифий соҳаларга доир энг муҳим хабарлар билан мунтазам таништирилиб борилади.

Айни кунларда корхонада 400 дан ортиқ киши ишлайди.

Зафар ОМОНТРСУНОВ

ТАДҚИҚОТ

ФАХР

Ҳиндистондан жўнатилган қалам ҳақи

83 йилдан буён муаллифга теккани йўқ

Бунинг тарихи қуйидагича: “Хуррият”нинг шу йил 23 январь сонидан эълон қилинган таниқли олим, Сайди Умировнинг “Самарқандлик мутафаккир”, — деб номланган мақолада Саидризо Ализода ҳақида маълумот берилган эди. Айни пайтда Ализодининг ислом динига оид китоблар ёзгани, машҳур асарлари арабчадан форс, ўзбек ва урду тилларига таржима қилгани ҳам маълум бўлиб қолди.

Хусусан, Покистоннинг Лоҳур шаҳрида Саидризо Ализодининг “Саодат асри”, “Ислом маданияти”, “Ислом тарихи” (икки жилдик), “Ислом маданияти” (икки жилдик), “Асобиа икром” (“Пайгамбар асобалари”), “Шаҳодати икром” ва “Ислом ақидалари” китоблари чоп этилган экан. Самарқандда эса “Дин вожиблари”, “Низомнома” (1904 й.), “Рисолат-ул иттиҳодия” (1907 й.) асарлари нашрдан чиққан.

Кейинги асарда муаллиф дунё мусулмонларини аҳилликка, ҳамкорликка, дин талабларига нисбатан масъул бўлишга даъват этади. Акс ҳолда динимиз Фарбнинг говийи хуружидан

озор чекиши мумкинлигини баъшорат қилади. 20 ёшли алооманинг 100 йил олдин билдирган нуқтаи назари нечоғлиқ тўғри эканлигини бугунги ижтимоий воқеалар жараёни кўрсатиб турибди.

Кутубхоналардаги маълумотлардан аён бўлдики, 1923-1934 йиллар давомида Покистонда Ализодининг 18 та асари ва таржималари чоп этилган. Фидойий неварга Фарҳод Ализода Қора-чи, Лоҳур ва Исломобод кутубхоналарида ҳар бир китоб тўғрисида кўпроқ маълумот тўплашга интилади.

— Хорижда ҳам тарихий ҳужжатлар аслини олиш мурраккаб экан, — дейди Фарҳод ака. — Охири давлат раҳбарларига мурожаат қилдим. Ниҳоят, деярли барча китоблар нусхасини олишга эришдим. Очиғи, уларни менга жамоатчилик иштирокида тантанали равишда топширишди. Уларнинг айримлари ҳозир алооманинг Самарқанддаги уй-музейида сақланапти.

2004 йилнинг июнь ойида бу ҳақда “Россия” телеканали орқали кўрсатув беришди. Мухбир ўшанда бир воқеани айтиб ўтганди. Маълум бўлишича, Фарҳод ака санаб ўтган китобларни Покистонда чоп этиришга Аф-

ғонистоннинг ўша даврдаги давлат раҳбари Амир Омонulloх буюртма берган экан. Ҳатто Амир ўз маслаҳатчиси Муҳаммад Довудни 1918 йилда икки марта Самарқандга — Ализода хузурига жўнатган. У биринчи гап бу туркистонлик жадидчининг Афғонистонда янги усул мактаблари очиб қўмақлашишга, кейинчалик эса демократик матбуотини йўлга қўйиш учун таъриф этган. Аммо Саидризо бу борада ўз юртида ҳам юмушлар етарли эканлигини айтиб, рад жавобини берган, Туркистонда яшай кўшни давлатга ёрдам бериб туриши мумкинлигини айтган.

Шундан сўнг Амир Омонulloх ношир сифатида танилган Мир Муҳаммад Галмоний Афғонини унинг хузурига юбориб қўради. У Самарқандда — Ализодининг уйда саккиз ой яшаб, 18 та асар қўлёзмасини тахлаб, аввал Афғонистонга, сўнгра чоп этиш учун Лоҳур шаҳрига олиб кетади.

— Катта бобомни ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Афғонистон ва Ҳиндистон, Эрон ва Туркияга ишлаш учун тақлиф этилган, — дейди Фарҳод ака. — Аммо у ўз юртини ҳар қандай имтиёз, икром ва бойлиқдан устун қўяди. “Ватан бу — она, уни алмаштиришнинг ҳеч иложи

йўқ”, деб жавоб беради. Ўз ватанпарварлигини 1920 йилда “Шўъла инқилоб” журналидаги “Туркистон Ватанимиз” мақоласида бугун дунёга янада чиқарилади, асосли ва таъсирироқ ифода этади.

Келинг, энди мақоладаги мақсадиимизга яқинроқ ёндашайлик. Покистонда чоп этилган китоблардан бири “Саодат Асри” деб номланган 42 та сарлавҳа остида пайгамбаримиз Муҳаммад Радуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳаётлари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Асар хижрий 1305-1345 йилларда юзага келган. Аникроғи, уни илк бор араб олими Ш.Шараф (китобда исми тўлиқ келтирилмаган) ёзган. Кейин Саидризо Ализода форсчага ўйрган, қўшимчалар киритиб, тартиб берган.

Китоб мелодий 1925 йилда Лоҳур шаҳрида “Панжоб” матбаа корхонасида бошилган.

— Покистонлик олимлар, хусусан, Ислом университетини ректори, доктор Ар-Раҳмон жанобларнинг таъкидлашича, китобнинг чоп этилиши катта байрам қилинган. Уни урду ва ҳазарлар ҳам севиб ўқишган, — дейди Фарҳод ака. — Менга бу ҳақда ўша давр матбуотида чиққан а-

боротларни кўрсатишди.

Энди китобнинг номига келсак. У “Саодат Асри” деб аталган. “Аср” калимаси катта ҳарф билан ёзилган. Муаллиф Саидризо Ализодининг изох беришича, қадимда Ислом дини пайдо бўлган даврни ана шундай аташган экан.

Фарҳод ака яна бир воқеани айтиб берди.

Биз юқорида айтган китоблар чоп этилган, Ҳиндистон ҳукумати (иллари Покистон шу давлат тасарруфида бўлган Ф.Т.) Ализодага яхшигина қалам ҳақи — гонорар белгиланган экан. Унинг бир қисмини Самарқандга юборишди. “Изъешение” келган Мўминнабегим хола почта идорасига боради.


— Пул келган, аммо Сизга беролмаймиз, эрингиз келсин, — дейишди.

— У киши қамокда.

— Ундай бўлса, паспортини рақамларини қўйиб, ишонч қозғи ёзиб берсин.

Мушторлар аёлинчи сўзларига қамқоқнада қулоқ солишмайди. Кўп ўтмай Ализода Сибирга жўнатилади. Табиийки, сабаби “эгаси келмади” деб кўрсатилган ҳолда қалам ҳақи қайтариб юборилади.

Фарҳод ака бу масала билан



“Жавоҳир”нинг нузли қадами

Машҳур бахши Норбек Абдуллаев Президентимиз Фармони билан “Ўзбекистон халқ бахши-си” унвонига сазовор бўлган эди.

Яқинда устоз санъаткор мухлисларига Наврўз гулдастасини тўхфа этди. «Жавоҳир» деб номланган компакт диск энди жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатларида севиб томоша қилинади.

«Достон» фольклор этнографик дастаннинг раҳбари Норбек Абдуллаевнинг ижодида баҳраманд бўлмаган киши ҳам топилади. Хоразмда бўлаётган тўй-томошалар бахшининг ташрифисиз ўтмайди. Наврўз тадбирлари, Мустиқиллик байрамлари билан ён-ён туриб бахшчилик аниқлашлари тарафдор этишади.

Қурбонзаир Абдуллаев бола бахшининг фарзанди бўлган Норбек Абдуллаев айни пайтда Хоразм достонларини тўлиқ ҳолда дискларга ёзиб олишга ҳаракат қилаяпти.

Феруза

ТАНГРИБЕРГАНОВА

ДУНЁДА НИМА ГАП?



ФАРМОН ВА ИЖРО

«ИПОТЕКА-БАНК»: ПУЛИНГИЗ ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАНГАН

Бугунги кунда «Ипотека-банк» тизимида жами 600 га яқин жамгарма кассалари ташкил қилинган. Шундан 200 га яқини ҳукуматимиз қарорларига мувофиқ ташкил этилган махсус кассалар фаолият кўрсатмоқда. Банкимизнинг асосий мақсади ҳудудларда барча орали мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш билан уларнинг «банкларга бўлган ишончини янада ошириш» деган мақсад билан, шу борада ишлар ташкил қилинмоқда.

Мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг инфратузилмалари — мини-банк, жамгарма, коммунал ва махсус кассаларни ташкил этиш, уларнинг иш режими аҳоли учун маъқул вақтларга белгилаш орали хизмат кўрсатишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралда қабул қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларининг либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3968-сонли Фармони бу борада дастуриамал бўлмоқда.



Қабул қилинган Фармоннинг амалга оширилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада ошириш, банк билан омонатчилар ўртасида ишончли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги бўш пул маблағларини тижорат банкларига янада кўпроқ жалб қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаб бориш ва аҳолининг турмуш даражасини изчил равишда ошириш учун уларни инвестиция жараёнига янада кўпроқ йўналтириш имконини берди.

Фармонда омонатчиларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга оширилмаган операциялар ҳусусида банк сирини сақлашни яна бир бор қатъий кафолатланди ҳамда пул қўювчидан пул маблағларини келиб чиқиб манбааларни тўғрисида маълумотномалар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш ноқонунийлиги белгиланган, омонатчилар бундай ҳужжатларнинг банклар, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан сўралishiнинг ўзи ҳам тақиқланган бўлиб, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар белги-ланган тартибда жавобгарликка тортилиши таъкидлаб ўтилган.

ПУТИН ВА БУШНИНГ СЎНГИ УЧРАШУВИ

Россиянинг амалдаги президенти Владимир Путин ва АҚШ раҳбари Жорж Буш Сочидан ўтган музокаралардан кейин «Россия-Америка алоқаларининг стратегик доира-си тўғрисида» декларацияга имзо чекишти.



Владимир Путин учрашувдан кейинги матбуот анжуманида маълум қилишча, декларацияда Москва АҚШнинг Чехия ва Польшада ракетага қарши мудофаа тизимини қуриш режасига ўз норозилигини билдирган. Шу билан бирга ҳужжатда стратегик ҳужум қуроллари борасидаги ўзаро келишмовчиликлар ҳам акс этган.

Тахлилчилар бу икки сиёсатдоннинг давлат раҳбари сифатидаги сўнги учрашуви эканига эътибор қаратдилар.

Мавжуд келишмовчиликларга қарама-қарши икки президентнинг саккиз йиллик ҳамкорлиги ижобий баҳоланди. Президентлар икки ўртадаги мавжуд муаммолар келгуси давлат раҳбарлари даврида ҳал этилишига умид билдиришди.

БАСК ТЕРРОРЧИСИ 20 ЙИЛ КАМОҚҚА ҲУҚМ ЭТИЛДИ

Испания миллий суд палатаси баскларнинг ЭТА айирмачилик гуруҳи аъзоси Айноу Мухико Гоньини йилга озодликдан маҳрум этди.

Суд «Ольга» номи билан танилган судланувчини ЭТА жанговар гуруҳини ташкил этиш, ноқонуний равишда қурол-яроғ, портловчи моддалар сақлашга айбдор деб топди. Тергов ҳулосасига кўра, у 1990 йилларда жанговар гуруҳга аъзо бўлиб кирган ва тез орада ЭТАнинг иккинчи раҳбарига айланган.

Маълумотларга кўра, Айноу Мухико Гоньин аъзо бўлган гуруҳ 90-йиллар охирида Испания Конституциявий суди раиси Франсиско Томаса-и-Вальенте, қуруқликдаги қўшилар генерал-лейтенанти Хесус Куэст, Олий суд вакили Рафаэль Мартинес Эмперадор жонига қасд қилган. Суд ҳужжатида кўра, ушбу гуруҳ Испаниянинг уша даврдаги бош вазири Хосе Мариа Салвара қарши суиқасд қилишни режалаштирган.

«Ольга» 2002 йилнинг сентябрида Францияда қўлга олинган ва жиноий гуруҳга аъзоллиги учун ўн йилга қамоққа ҳукм қилинган. 2007 йили у Испания томонининг сўрови билан вақтинча Мадридга берил-

ди. Мавжуд келишувга кўра, баск айирмачиси яна Францияга қайтарилди ва унга берилган ўн йиллик қамонининг қолган қисмини ўтайди. Шундан кейин у охири ҳукм ижроси учун Испанияга қайтарилди.

УЙКУ... ОЗИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Франциянинг INSERM ташкилоти ўтказган тадқиқотларга кўра, узоқ вақт ухлаш одамнинг ортиқча вазндан ҳалос бўлишига ёрдам бериши мумкин. Ҳозирга қадар нотўғри овқатланиш ва жисмоний ҳаракат камлиги семиршишга олиб келиши маълум эди. Дунёнинг етти мамлакатига ўтказилган тадқиқотлар уйқунинг кам мезърда бўлиши ҳам семиршишга сабаб бўлишини кўрсатди.

Ташкилот ходими Карин Шпигелнинг фикрича, сўнги эллик йил ичида АҚШда одамларнинг семирishi ҳолати кучайиб кетган ва бунга маълум маънода уйқунинг мезърдан кам миқдорда экани ҳам таъсир кўрсатган.

Жон Хоккинс университети мутахассислари ҳам ана шундай хулосага келишди. Университет ўтказган тадқиқотларга кўра, чақалоқнинг бир соат кўпроқ ухлаши унинг ортиқча вазн хасталигига чалиниш хавфини тўғрисида қамқайтиради. Кам ух-лашдан болаларда эса семизлик ҳолати 92 фоиз кўпроқ учрайди.

КИРОЛ ҚАСРИДА ЁНГИН

Италия шимолида жойлашган Монкальери қасрида ёнғин эъ берди. Узоқ йиллар Савой сулоласининг қароргоҳи бўлган сарой 1997 йили ЮНЕСКОнинг тарихий обидалар рўйхатига киритилган.


Ёнғин пайтида қасрга жиддий зарар етди. Бинонинг қадимий ми-нораси олов ичида қолди. Яхшики, қасрнинг энг қадимий қисми — XIV асрда қурилган икки айлана ми-нораси олов етиб бормади.

Монкальери қасри Пьемонте шаҳрида жойлашган. Иморат дастлаб ташқи ҳужумларни бартараф этиш учун қурилган. Наполеоннинг юришлари пайтида қаср эгалланган ва 1814 йилга қадар французлар қўлида бўлган. Монкальери бирлашган Италиянинг биринчи кироли (1861) Вик-тор Эммануил II нинг сеvimли мас-кани бўлган. Айни пайтда бинода полиция академияси жойлашган.

ЗИМБАБВЕДА 50 МИЛЛИОНЛИК КОФЗ ПУЛ ЧИКАРИЛДИ

Зимбабве ҳукумати 50 миллион доллар қозғ пулни муомалага чиқарди. Бу баби йирик қийматли банкнотнинг муомаласига киритилиши мамлакатда кўпдан буён давом этаётган гиперинфляция оқибати-дир. Айни пайтда Зимбабведа пул қадрсизлигини йилгига 100 000 (!) фоизини ташкил этади.

Қора бозор курси бўйича 50 миллион Зимбабве долларини бир АҚШ долларига тўғри келади. Ушбу пулга



АФРИКА МАМЛАКАТИДА УЧ ДОНА БУ-ХАНКА НОН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

Зимбабведа ўтган йил декабрда 750 минг, январда эса 10 миллион долларлик банкнот муомалага чиқарилган эди. Агар мазкур чора-тад-бир кўрилмаса, мамлакат ҳалқи тўловларда қийинчиликка дуч келиши аниқ эди. 100 АҚШ доллари миқдоридида харид учун зимбабве-лик фуқаро 20 килограмм оғирлик-даги миллий валютани кўтариб бо-ришига тўғри келарди.

ХИТОЙ КЕМАСИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Хитой баллиқчилари кемаси Жа-нубий Корея юк кемаси билан Че-жудо оролидан 370 километр ма-софада тўқнашиб кетди, деб хабар беради Bloomberg агентлиги. Тўқна-шув оқибатида Хитой кемасидаги беш киши дом-дараксиз йўқолди. Икки киши эса қутқариб қолинди.

Жанубий Кореянинг 6049 тонна сув сифимида эга бўлган Bright Асе кемаси Сингапурга кетаётган эди. Кема бортида катта миқдорда пўлат бўлган. 30 тонна сув сифимида эга бўлган Хитой кемаси эса тўқнашу-дан кейин чўкиб кетган.

ВАЗИРНИНГ БОБОСИ ЁЛЗОН ГАПИРГАН


Буюк Британия ташқи ишлар ва-зири Дэвид Милибэнднинг бобоси Иккинчи жаҳон урушидан кейин

кироллик фуқаролигини олишда сохта ҳужжатлар тақдим этган, деб ёзади The Times газетаси.

Маълум бўлишича, вазиrнинг бобоси, яхудий жамоасига мансуб Самуэль Милибэнд Бельгиядан Буюк Британияга 1940 йили кўчиб келган. У киролик фуқаролигига ўтиш жараёнида оила-си фашистларнинг қаттиқ таъйиқига дучор бўлгани ҳақидаги сохта ҳужжатлар-ни тақдим этган. Аслида эса фа-шистлар томонидан уларга қарши ҳеч қандай таъйиб рўй бермаган.

Дэвид Милибэнд унинг бобоси ҳусусидаги саволларга умуман жа-воб бермаган.

Бу сўнги кунларда Буюк Брита-нияда мигрантлар билан болгик ик-кинчи авалроқ ҳодисадир. Бун-дан сал аввалроқ Radio 5 каналы Буюк Британия фуқаролигига ўтиш-га даъвогарлардан инглиз тили им-тихони пайтида пора олинаётгани-ни фош қилган эди. Радиоканал-нинг муҳожир қиёфасига кирган журналисти Лондондаги тил макта-



бига давлат имтихони топшириш учун мурожаат қилади. Инглиз ти-лида амал-тақал гапирётган аёл аслида журналист экани ва бу тил-ни пухта билишидан бехабар им-тихон олувчи мактаб-дан 900 фунт стерлинг талаб қилади.

Клинтонлар оиласининг даромади қанча?

Собиқ президентнинг бир қанча бизнес лойиҳаларида фаол иштирок этаётгани, маъ-руза ва чиқишлар қилаётгани оилавий даромаднинг ортиши омил бўлди. Масалан, IBM ва General Motors корпорацияла-ридаги маърузаси учун Собиқ давлат раҳбарига 450 минг долларча ҳақ тўланган.

Катта сиёсат билан бирга ижодий фаолиятини ҳам ёнма-ён олиб борган Билл Клинтон «Менин ҳаётим» ва «Совға» китоблари учун 30 миллион доллар гонорар олган. Ҳилла-ри Клинтонга ҳам «Жонли тар-их» китоби учун 10,5 милли-он доллар қалам ҳақи берил-ган.

Ҳиллари Клинтон сайловол-ди кампанияси учун беш мил-лион доллар сарфлаётгани маълум бўлган пайтда бу маб-лағнинг қонуний экани Барак Обамада шубҳа уйғотган эди. Шундан кейин президентлик сайловидаги номзод рақиби Ҳиллари Клинтонни оилавий даромадлар ҳусусидаги маъ-лумотларни эълон қилишга ча-кирганди.

ТАФСИЛОТ

Омонатчиларга ҳамда банк мижозларига қўшимча қулай-ликлар яратиш мақсадида аҳоли гажум жойларда банк муассасаларини қўйатириш ишлари жадал давом этмоқ-да. Мисол учун Ипотека-банк-нинг Сурхондарё филиали «Амударё» минн-банкни очди. Тез орада Қорақалпо-ғистон Республикасида, Таш-кент, Андижон, Хоразм, На-воий ҳамда Самарқанд вило-ятларида яна қўшимча минн-банк ва жамгарма кассалар очилиши, мавжудларининг иш самарадорлигини янада ошириш режалаштирилган.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

№	Банк номи	Ишонч телефонлари рақамлари (код)
	«Ипотека-банк» Бош офиси	8 (371) 150-89-55 8 (371) 150-89-58
1	Андижон вилоят филиали	8 (374) 225-62-30 8 (374) 222-33-20
2	Истиқлол филиали	8 (374) 298-04-73
3	Бухоро вилоят филиали	8 (365) 770-01-46 8 (365) 770-01-42
4	Сардор филиали	8 (365) 770-01-36
5	Жиззах вилоят филиали	8 (372) 771-68-08 8 (372) 226-21-77
6	Санъор филиали	8 (372) 771-68-16
7	Қашқадарё вилоят филиали	8 (375) 771-16-26 8 (375) 771-16-20
8	Шахрисабз филиали	8 (375) 522-05-92
9	Нақшаб филиали	8 (375) 771-16-33 8 (375) 771-16-34
10	Навоий вилоят филиали	8 (436) 770-33-07 8 (436) 770-33-05
11	Зарафшон филиали	8 (436) 770-30-74
12	Наманган вилоят филиали	8 (369) 223-03-15 8 (369) 223-03-06
13	Самарқанд вилоят филиали	8 (366) 210-02-75 8 (366) 210-02-84
14	Кўқсарой филиали	8 (366) 233-17-71
15	Сурхондарё вилоят филиали	8 (376) 770-83-09 8 (376) 770-83-14
16	Сирдарё вилоят филиали	8 (367) 210-00-45 8 (367) 221-00-51
17	Тошкент шаҳар филиали	8 (371) 150-47-93 8 (371) 232-21-89
18	Тошкент шаҳар Амалёт бошқармаси	8 (371) 233-90-84 8 (371) 150-47-93
19	Миробод филиали	8 (371) 150-14-27
20	Меҳнат филиали	8 (371) 150-48-65
21	Шайхонтоқур филиали	8 (371) 139-49-84
22	Юнусобод филиали	8 (371) 150-79-63
23	Собир Раҳимов филиали	8 (371) 246-18-76
24	Хамза филиали	8 (371) 297-37-42
25	Сергея филиали	8 (371) 150-79-96
26	Чилонзор филиали	8 (371) 150-06-84
27	Яккасарой филиали	8 (371) 150-32-66
28	Тошкент вилоят Амалёт бошқармаси	8 (371) 217-25-12
29	Тошкент вилоят Амалёт бошқармаси	8 (371) 150-46-87
29	Ойлялик филиали	8 (370) 614-26-37
30	Ангрен филиали	8 (371) 150-20-68
31	Чирчиқ филиали	8 (370) 715-10-58
32	Оқдараги филиали	8 (371) 150-40-59
33	Бехобод филиали	8 (370) 912-39-43
34	Чиноз филиали	8 (371) 138-12-54
35	Фарғона вилоят филиали	8 (373) 224-07-45 8 (373) 224-83-37
36	Хоразм вилоят филиали	8 (362) 770-41-34 8 (362) 226-65-82
37	Дўстлик филиали	8 (362) 30-54-100
38	Тинчлик филиали	8 (362) 770-41-48
39	Қорақалпоғистон Республикаси филиали	8 (361) 770-77-14 8 (361) 770-77-18

Шов-шувли хотиралар

Гага трибунали собиқ бош прокурори Карла дель Понтенин китоби Болқондаги ихтилофни янада кучайтириши мумкин

Турли дин, турли мил-лат вакиллари истиқо-мат қиладиган Болқон ярим ороли ўз тарихи-да тинчлик ва осойиш-талиқдан кўра уруш ҳаётига кўпроқ гувоҳ бўлган. Суронли ўтмиш давомиди қўлдан қўлга ўтавериб, катта давлат-лар учун ўйин қурлига айланган ҳудудда уруш чикариш, низо кўзгаш жуда ҳам осон. Шу боис ҳам, Бол-қонни порох солинган бочкага қиё-лашадди. Февраль ойида Косово ўлка-си Сербиядан бир томонлама муста-қил бўлганини эълон қилганда, Бол-қон ярим ороли бир қалқиб тушди.

Гарчи Косовонинг суверенитет эълон қилиши анчадан буён қутилаётган бўлса-да, ушбу ҳаракатга тиш-тир-ноғи билан қарши кучлар ҳам етар-ли даражада кўп эди: озгина эҳтиёт-сизлик 1999 йилги қирғинларни қай-тарishi мумкин эди. Сербия ва Ко-сово ўртасида зиддият кучайиб тур-ган мураккаб бир паллада Гага хар-бий трибунали собиқ бош прокурор-и Карла дель Понтенин хотиралар китоби олов устига мой селгандек бўлди.



Гага трибуналининг «темир хо-ним» и сифатида шуқрат қозонган дель Понте Италиядаги Feltrinelli нашриётига ўз мемуарлари қўлёзма нусхасини топширган. Югославия иши бўйича асосий айбловчи бўлган аёл ўз китобини «Ов: мен ва харбий жиноятчилар» деб атаган. Журна-листлар мазкур китобдан олинган парчаларни турли йўллар билан қўлга киритишди. Прокурорнинг хо-тиралари қутилмаган факт ва куза-тувлари билан жамоатчиликда шов-шув ва қизиқиш уйғотди.

Хозирга қадар Югославия раҳ-барияти Косоводаги этник озчилик мил-латни қирғин қилганликда айблаг-келганида. Ушбу айблов билан рес-публиканинг бир қатор юқори лаво-зимли шахслари, жумладан, прези-дент Слободан Милошевич ҳам хар-бий судга тортилган. Ушбу маҳкама жараёнида Карла дель Понте про-курор сифатида қораловчи вазифа-сини бажарган. Қизиқ жиҳати, бош прокурор сифатида югославиялик амалдорларга айбловлар илгары сур-ган хоним энди ўз хотираларида Ко-

сово вакиллари янонотда айб-ламоқда.

Китобдан олинган парчага кўра, 1999 йили Косово озодлик армияси муҳторият ҳудудидидаги серб аҳоли-сини ўғирлаш ва қирғин қилиш бил-дан шуғулланиб келган. Карла дель Понтенин фикрича, ушбу жиноят-

ларга армия қўмондонлиги, жумла-дан, амалдаги бош вазир Хашим Тачи ва дала командири Рамуш Харадин-ий раҳбарлик қилган. Ушбу хара-катлардан БМТнинг Косоводаги мис-сияси (UNMIK) раҳбарияти ҳам ха-бардор бўлган.

Китобда жангарилар уч юз нафар серб ва бошқа славян миллати ва-килини ўғирлаб кетишгани айтила-ди. Дель Понтенин ёзишича, ўғир-ланган одамларнинг тана аъзолари махсус лабораторияларда кесиб олинган ва сотиш учун қора бозорга юборилган. Хотира муаллифи жуда ҳам камёб бойлик саналган тана аъзолари Албания пойтахти Тирана парчалари Европа клиникаларига жунатилганини қайд этади. Китобда марҳумларнинг жасади махфий тар-зда қўйиб юборилгани айтилди.

2003 йили Гага трибуналининг текширув гуруҳи Албания шимолига таширф буюради ва яширин опера-циялар ўтказилган деб гумон қилин-ган ҳудудни кўздан кечиради. Дель Понтенин ёзишича, текширилган жойдан шприц, тиббий асбоб-уску-налар, дори воситалари ва қон из-лани бориғи аниқланган. Бироқ со-лиштирув даврида бошқа жиддий до-ларлик топилмаган. Собиқ бош про-курор ўшанда БМТ миссияси текши-рувга тўқсинлик қилганини ёзади.

Ушбу хотиралар эълон қилиниши билан Йўқолган ва ўғирланган Ко-сово вакиллари янонотда айб-ламоқда.

Китобдан олинган парчага кўра, 1999 йили Косово озодлик армияси муҳторият ҳудудидидаги серб аҳоли-сини ўғирлаш ва қирғин қилиш бил-дан шуғулланиб келган. Карла дель Понтенин фикрича, ушбу жиноят-



Косово. Этник ихтилофлар давом этаётган паллада БМТ ходимларининг фойлат юртиши ҳам қийин кечаёпти

Хоник матбуоти ва Интернет тармоғи тарқатган хабарлар асосида тайёрланди.

Жонимдек яқинсан, лекин...

Бола яралгандан то мустақил ҳаётга қадам қўйгунча содир бўлаган жараёни кўз олдингизга киноленталарни тезлатгандай тасаввур қилинг: Гўдак она бағридан унинг қўлларига ўтади, қўлларида ота-она тиззаларига тушади, кейин хона юзиде эмалайди, ховлида юради ва ниҳоят кўчага отилади... Табиий кечадиган бу жисман узоклашув жараёнини аслида болалик, ёшлик палласи деймиз.

Бугун турмушимизни зимдан кузатсак, она руҳияти билан кўча, яъни ташқи муҳит ўртасидаги уй-ғунликка пугур етаётгандек туюлади.

Ҳаққонан узоқ вилоятда яшайдиган қариндошнинг уйда меҳмон бўлди. Ўртамеёна хонадонда ховли, уй-жойни енгил таъмирлаш ишлари бошланган. Кечки пайт ховлида бирдан жанжал бошланди. «Нима гап?» - десам, юқори синфда тахсил олаётган икки ўғил қўрадаги сигир-бузоқ, қўй-қўзини сотиб бўлса ҳам, уй-жой таъмирига ҳашаматлироқ тус берамиз, дея ота-онасига «ультиматум» қўётган эмиш. Ота даргазаб, она хижолатда экан. Болаларни ёнимга олиб, кўнгилига қўл солишга уриндим. Эмишкни, ховли-жойларига синфдошлари келишидан

уялишармиш. Дўстларининг кўпи одамларнинг туриш-турмушига қараб муомала қилармиш.

Бу ҳам майли, яқинда содир бўлган мана бу воқеага нима дейсиз: бир ўспирин туғилган кунга ёру дўст, синфдошларини чақирди. Қариндошларидан «прокат»га олган жижоэлар билан уйини тўлдирди. Утиришда ногаҳон ўртоқларидан бири унинг бу сирини шайма қилган экан, орада низо чиқиб, туғилган кун ур-тўпо-лонга айланди.

Ҳашамат ва тўқликка учиб, бошқача кўринишга уришиш иллоти фарзандларимизда қайёдан пайдо бўлапти, деб ўйлайсиз? Ахир улар ҳали нимани кўрди? Улар ҳали жуда ёш-ку! - дейди ҳар қандай ота-оналар юраги эзиллиб.

Чунки, биз катталар ўзимиз шу нақамиз. Ўзимиз ҳашамат, виқорга ўч бўлиб боғраймиз. Оддийлик, табиийлик, хокисорлик сингари тупроқдан бичиб-тиқилган «либос»ларимиз бугун баъзиларимизга ўта жўн ва жайдари кўри-наётгандек бўлмаяптимики? Улар табиатимизда ногаҳон ялт этиб қолгудай бўлса, уни дарҳол ёпиб, ўраб-чирмашга уринамиз. Яқиндагина бир даврада шу мавзуда сўз очилиб қолганда, бир ёшгиларига синфдошлари келишидан

«Бунинг хавотирга тушадиган жойи йўқ, глобаллашув, цивилизация, муттасил ўзгариш ва англиклар ичра одамзот табиати, феъл хусусиятлари ҳам мураккаб-лашиб, чайир, қув, кескинроқ тус олаберилади», - дейди. «Йўқ, синглим, деди кексароқ олим киши қатъий оҳангда, - бутун дунёни техника бошқарган тақдирда ҳам одам Ҳазрати инсон бўлиб қолаверади! Шундай бўлиши керак!»

Худого шукр, бундай кишиларимиз кўп, дейман ўз-ўзимга.

Бугун катта-кичик экранларимизнинг юзини ёритаётган фильмларимиз ҳам табиатимиздаги хуш - нохуш ўзгаришларга ҳисса қўшиши табиий ҳол. Ижобий таъсирлари ҳақида кўп гапиришган. Мен уларга бир томошабин сифатида яхши баҳо берган ҳолда, шунга қайд этгим келадиган, аксарини фильмларимиз воқеа-ҳодисалари, қаҳрамонлари қийматга ботириб олингандай бойлик, ҳашамат ичида тасвирланаяпти. Болалиги тоғу тошлар, кенг сахрою ялангликлар бағрида кечаётган ёшларимиз ҳар тасвирда арчадек турланиб, ялтроқ темиру симларни кулоқларидан белларигача осган тенгдошларини қай тахлит қабул қилишяпти? Уларда ҳашаматга кўр-кўрона интилиш пайдо

бўлмаяптимики? Тўкин шароитга фарқ фильм қаҳрамони билан ўзининг тупроқ кечиб ўтказётган болалигини қийсасмасмикан?

Бойлик, ҳашамат ичида воқеалар томошабон бўлишини тушуниш мумкин. Аммо қуруқ чўлу сахрода, ёхуд тоғу тошлар орасида ҳам томошабин қилт этмай кўрадиган фильм яратса бўлади-ку? Сиз қумуш зар пиёлада чой тутасизми ёки тоза сопол пиёладами, чанқоқ одамнинг ховурини идиш ичидаги хуштам чойи босади.

Хўш, ўзимизнинг фильмларимизнинг бу камчилиги кўз юмсақ ҳам, ҳаётимизга четдан қараётган бадиий асарларнинг қатла-рида яширинган, тасвирларида қотган маънавий «бомба»лар борки, уларнинг «панжа»сидан бола-ларимизни руҳан соғлом, тафаккурини бус-бутун олиб чиқариш учун биз оналар, оталар, муаллимлар, олимлар, маҳалладошлар, хуллас бир бола атрофида қилмади бор, шуларнинг бари сергак турмоғи лозим. Наники лозим, шартдир балки! Ахир, гап қимнингидир боласи ҳақида эмас, сизнинг, бизнинг эртамиз ҳақида борапти.

Мамлакат НОРМУРОВОДА

Ушбу гўзал баҳор кунларида
Акциядорлик Тижорат
“Пахта Банк”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2008 йил 20 февралдаги
“Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини
либераллаштириш ҳамда
кафолатларини таъминлашга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўзининг янги
жорий этилган миллий ҳамда хорижий валютадаги
омонат турларини сизга таклиф этади

“Эгасининг номи кўрсатилмаган”
 муддатли омонатига пул маблағлари 3,6,9 ва 12 ойга қабул қилинади, фоиз ставкаси (йиллик) 26 фоизни ташкил этади. Бошланғич бадал — 500 000 сўм.

“Баҳор айёми”
 муддатли омонатига пул маблағлари 1,3 ва 6 ойга қабул қилинади, фоиз ставкаси (йиллик) 28 фоизни ташкил этади. Бошланғич бадал — 100 000 сўм.

“Умид ниҳоллари”
 муддатли омонатига пул маблағлари 12,15 ва 18 ойга қабул қилинади, фоиз ставкаси (йиллик) 30 фоизни ташкил этади. Бошланғич бадал — 100 000 сўм.

Мазкур омонат Сизга:
 — истеъмол кредити ва унинг фоизларини тўлаш;
 — йиллик таълим контрактини тўлаш;
 — таълим кредити ва унинг фоизларини тўлаш;
 — фоиз ёрдамида коммунал тўловларини тўлаш имкониятини беради.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА

“Тақдим этувчига”
 муддатли омонатига пул маблағлари 3,6,9 ва 12 ойга қабул қилинади. Мазкур омонатнинг фоиз ставкаси:
 - АҚШ долларларида (йиллик) 6 фоиз;
 - Еврода (йиллик) 5 фоиз;

Бошланғич бадал 500 АҚШ долларларида ёки бошқа валюталарда унинг эквивалентидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

УНУТМАНГ

Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

“Пахта Банк” омонатларига қўйилган пул маблағлари деклорацияга тортилмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирини ҳисобланади.

Қўшимча маълумот учун Тошкентда (8.371) 1505365, 1508527 телефон рақамларига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

“Пахта Банк” – фаровонлигингиз калитидир!
 Хизматлар лицензиялаштирилган.

САБОҚ

Ёш боланинг кучи



Сарлавҳани ўқиган газетхон ажабланиши мумкин. Ёш боланинг кучига ким ҳам ишонарди. Катта ёшдаги одам ҳам кучли, ҳам катта бўлади, дейди. Шундай бўлса, ҳаётда ёш боланинг кучига қойил қолганлар ҳам бўлган. Қадим ўтган замонда бир баҳодир, доворак, бой киши бўлган экан. У доим ўзига эрк бериб: “Мен кучлиман!”, дер экан. Бу бойнинг тўртта хотини бор экан. Хотинлар тўпланишиб: “Нўкул мен кучлиман” деб бизни ҳам, хизматкорларни ҳам эримиз менсимайдиган бўлиб қолди. Унинг таъзирини бермасак, эртага ҳаммамизни ҳайдаб, бошқа ёш-ёш, гўзал хотинларга уйланиб олади”, дейишибди ва чора излашга келишиб олишибди. Орадан уч кун ўтиб, яна тўпланишибди. Ҳар ким ўз фикрини айтди. Шунда кенжа хотин: “Бой энди уйга келган чоғи, мен йиғлоқи боланим “Уш-лаб туринг?”, деб қўлига берман. Сизлар хизматкорларни чалғитиб, унинг олдига киритмай-сизлар”, дейди. Эртаси режа бўйича кенжа хотин нозу карашма билан чақалоқни бойга тутқазди, сўнг “Хозир келаман” деганича жуфтани ростлаб қўлибди. Бола шундай йиғлабдики, дўқ-пўписига ҳам, эркалашга ҳам кўнмабди.

— Ким бор? Бу бола юрагимни қон қилиб юборди-ку, — деб дод солибди бой.

Бироз фурсат ўтиб, чақалоқнинг онаси, бойнинг бошқа хотинлари ҳам унинг ҳузурига киришибди. Бой отанинг гўдак болакайининг йиғисидан кўриб кетганини кўриб, хотинларидан бири:

— Беғим, нўкул ўзингизни “Мен ҳаммадан кучлиман”, дер эдингиз. Лекин шу боланинг йиғисига кучингиз етмади-ку? — дебди. Бу танбехи эшитган бой:

— Ҳа, сизлар ҳақсизлар. Шу чақалоқ мендан кучли эканига амин бўлдим. У дунё — бу дунёда Аллоҳдан кучлиси йўқ! — дебди.

Бу бир ривоят, аммо ҳаётда шунга ўхшаш воқеалар ҳам бўлиб турар экан.

— Қўшимиз Саттор ака шўровий жамиятда ўқиб, раҳбар бўлганлардан, — дейди Сайфулла ака деган танишим. — Сатторбой ичкиликка ҳам, кашандачиликка ҳам ружу қўйди. У ичкилик туфайли ишдан кетди. Оиласида, маҳал-

ласида ҳам боёрбў бўлиб қолди. Унга кўп насиҳат қилдик.

— Алкогол қонимга сингиб кетган. Энди ўлгунимча ароқ ва сигарет улфатларим бўлади, — деб қатъий жавоб беради у.

Сатторбойга гап ҳам, танбех ҳам таъсир қилмади. Аммо катта-катта одамларнинг кучи ўтмаган Сатторбойга беш яшар набирасининг бир гапи шундай таъсир қилибдики, у ҳам ичкилик, ҳам кашандачиликни ташлабди.

— Қандай қилиб? — сўрадим Сайфулла акадан.

— Наврўз байрами кўни Сатторбойнинг уйига қариндошлари, яқин дўстлари, қудалари тўпланишган экан. Шу вақт ховлига узоқ туманга узатилган қизи ва набираси ҳам келиб қолибди. Сўнг беш яшар набирасини қўлидан ушлаб, юзидан ўпмоқчи бўлган ҳам экан, болакай:

— Бобо, қочинг, мени ўпманг, Сиздан ёмон ҳид келяпти, — дебди.

Болакайнинг бу гапидан ҳамма ҳайратга тушибди. Сатторбой ёр ёрилса, ерга киргудай бўлиб қизариб, бўзариб кетибди. Сўнг:

— Болам, сен мени ағдинг. Энди ёмон иллатлардан қутилганим бўлсин, — дебди. Чўнтағидаги бир пачка сигаретасини олиб, кўпчилик олдида оёғининг остига ташлаб, тепкилаб ташлабди: “Сизлар гувоҳ, Наврўз байрами гувоҳ! Энди ичмайман ҳам, чекмайман ҳам”, — деб оти ичибди.

Гоҳида адашган одамларни, ёт иллатларни ҳаётнинг ўзи ана шундай сабаблар билан даволар экан.

Абдулхамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, доцент.

ҲА-ЁТ!

КУЛГИ

ЧАКАК

Вокзалнинг кутиш залида ўтириб пинакка кетган раффикасини айланиб-ўргилиб елпиётган кишига поездини кутиб турганлардан бири деди:

- Қойил, мана бунга муҳаббат деса бўлади.
- Фикрингизга қўшила олмайман, — эътироз билдирди у ишини давом эттириб
- Унда нега куйиб-пишариясиз?
- Уйғониб кетса чакаги очилиб, қулоқ-миямни ейди, — жавоб берди у.

ТАҚДИМОТ

- Одамлар нега тўпланиб туришибди?
- Тақдимоти-ей, нимадир бўлармиш.
- Адашмасам бу Кўчқор Хўрозов бўлиши керак, тўғрими?
- Билмадим, ҳали бунақасини уриштириб кўрмаганман.

АЙТИБ ЮБОРИНГ

- Милиция бўлимига қандай боришини айтиб юборолмайсизми, айтиб?
- Тўғрига юз метр юрасиз — пивбар келади, у ердан чиқиб чапга қайрилсиз ва ароқ-вино дўконига кирасиз, ундан ҳам чиқасиз-да ўннга бурилсиз, озроқ юриб кафе-барга кирасиз. Ана ўша ердан чиқингиз билан улар сизни ўзлари олиб кетишади.

Толиб ҚАНОАТ

«Сиздан угина, биздан бугина»



Мусаввир: Жаҳонгир Мирзо

бўлса...» ёки «сизда ҳам болачака бор...» деган гаплар билан «ўраб» бериладиган «совга» ташаббуси аввало берувчи томоннинг айби. Сабаб, биринчидан миждоз ёки талаба қонун-қоида билан таниш эмас. Иккинчидан, ўздан ҳал-толиқ ўтган ва ҳокзо...

Университетга кирган йилларим биринчи сессияда ота-онам «сессияга қанча пул берайлик», деб сўрашган. Очғи, ҳайрон бўлгандим. Сабоби, баҳоларим, балларим етарли эди-да. Мана, ўқиниш тугатишимга ҳам оз фурсат қолди, аммо баҳо учун «ҳаражат» қилганимни билмайман. Ойлаб, ота-онам ҳам бунга кўнишган. Гурӯҳимизда ҳам ҳеч ким унақа йўл билан баҳо олмайди. Хулоса шуки, барча гап — ҳамманинг ўзида.

Алибек ЭРГАШЕВ, талаба:
 — Агар домла таъмагир бўлса, таъмагирликнинг энг сўнгги кўринишини бўлсам қўлайди. Ўрганган кўнгли ўртанаверади. Бугун ҳар бир ўқув юртида имтиҳонларнинг ўз «ставка»си борлигини ора-сирода эшитиб қоламан. Бермасангиз домла бошқача усул билан бўлсам пул ундиради. Айтилик, имтиҳонда талабага ўта мураккаб саволлар бериб, нима қилиб бўлса ҳам уни синовдан йиқитади.

Фарҳод НОРБЎТАЕВ, талаба:
 Хулоса қандай? Айб кимда, имтиҳон синовлари учун пул олиб, баҳо қўядиган домлаларда ёки дарсга қатнашмай, тузук-қуруқ ўқимасдан таниш-билишчилик, пул, совға бериб курсдан-курсга ўтаётган ёшлардами? Бизнингча, қарс икки қўлдан чиқади...

ТАҲРИРИЯТДАН: Қаламга олинган мавзу янгилик эмас, лекин уни бартараф этиш мумкин. Албатта, ушбу муаммони юзага чиқарадиган бир қанча омиллар мавжуд, демак, уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб, ундан ҳалос бўлиш йўллари излаш даркор. Бунга эса кенг жамоатчиликнинг иштироки зарур. Ушбу мақолани муштарийларимизнинг мулоҳазалари сифатида эълон қилдик.

Б арча олий ўқув юртида қишининг совуқ кунлари ила унинг «совуқ» сессиялари ҳам тугаб, баҳорнинг илиқ кунларидан бошлаб ёзининг жазирама «иссиқ» сессиясига тайёрлик бошлаб юборилди. Бу даврлар ҳам талаба, ҳам домла учун энг оғир ва масъулиятли ҳисобланади. Заҳматқаш талаба ҳар томонлама синовдан ўтказилади. Талабалар учун маънавий ва моддий жиҳатдан энг қийин пайт, десак адашмаймиз. Чунки сессия топшириш давридаги югур-югур, асаббузарликларга бардош бериш учун талабадан метин ирода талаб қилинса, «зарурий» харажатлар учун «темир чўнтак» керак бўлади. Келинг, яхшиси, айнан ўша моддий жиҳат ҳақида сўз юритамиз.

Ўқув семестри тугаб борар экан, ҳар бир ўқув даргоҳининг тугган мавқеи, обрўсига қараб имтиҳон жадвали ва фанлар бўйича баҳолаб «киймати белгиланади». Аниқроғи, баъзи бир ўқув даргоҳларида баҳоларнинг норасмий, албатта, маълум бир миқдори бўлади. Ушбу жараёнга гуруҳ ёки поток (катта гуруҳ) сардорига Худо қувват берсин! Талабалар орасида: «староста сессия пайтида синалади» деган нақлнома гап бежиз айтилмаган. Домла ва талабани ўзаро бир «битим»га келтириш, янаям очикроқ айтганда ҳар икки томон учун маъқул бўладиган «наҳ»ларга кўндириш» учун оз-мунча ҳаракат зарурими? Гап нима ҳақида бораётганини сезган бўлсангиз керак. Албатта, гап

баҳо олиш учун, имтиҳондан эсон-омон ўтиб олмақ учун домлаларга «чўтал» бериш масаласи ҳақида-да!

Хўш, бу ҳақда талаба ва домлаларнинг ўзи нима дейди?

Нодир ҲАҚҚУЛОВ, талаба:
 — Шундай ўқув даргоҳлари ҳам борки, ҳатто энг обрўли домлалар ҳам талабаларнинг билими билан эмас, ҳамёни билан ҳисоблашади. Йил бўйи дарсда қатнашган аълочи талаба ҳам, умуман дарсга қатнашмагани ҳам, сессия вақтида маълум миқдордаги пулни тўлаб баҳолини олиб кетаверади. Масалан, киши сессия пайтида яқин дўстимни бир домласи «олиб бориб, олиб келди». Ҳа, кучи билан бир сўм ҳам сарфламасдан имтиҳонларни топшироқчи экан. Ночорроқ оила фарзанди эди. Домла аввал гуруҳ сардори орқали пул йиғиб олган. Дўстимнинг пул бермаганлигини эшитиб, алоҳида чора кўрган. Сарсонгарчилардан сўнг, ба-рибир «чўтал» узатишга тўғри келди. Ҳайрон қоларлиси, бай-қирам кечаларида талабалар ас-сиям таъмагир домлалар ҳақида ҳазилларни қилиб эшитиб ўтираверадиган ректорат ёки деканат раҳбарияти бу ҳолатга барҳам беришни ўйлашади.

Узоқбой ЙҮЛДОШЕВ, ўқитувчи:
 — Билими бор, ўздан кўнгли тўқ бўлган талаба ҳеч қачон пул билан синовдан ўтиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Қачонки, талаба дарсларга яхши қатнаш-маса, топшириқларни вақтида бажармаса, унинг ўзи «чўтал» таклиф қилади, яъни баҳо олишнинг турли йўллари излаб

қолади. Аниқроғи, ўқитувчини пул олишга мажбур қилишади. Энг ёмони шуки, яқов талаба баҳо олиш учун пул ҳам беради, кейин «фалончи домла мунча оларкан», деган миш-миш тарқатишни ҳам эплайди. Менга қолса, ўшанақа талабаларга жазо сифатида тўловнинг расмий, қонуний турини жорий қилардим.

Шерали ОРТИҚОВ, талаба:
 «Домлалар нима учун пул олади?», деган саволни ҳеч бир талаба, аввало, ўзига ўзи бериб кўрмаган бўлса керак. Домлаларнинг бундай йўл туттишида, менимча, саксон фоиз биз талабалар айбдоримиз. Агар ҳамма талаба дарсга вақтида келиб, топшириқларни ўз вақтида ба-жарса, ашаддий таъмагир домла ҳам бир сўм сўрай олмайди.

Дилшода ҲУСАН ҚИЗИ, талаба:
 — Талаба ўқитувчисига бирдан пул бермайди, аввал ишни «совга»дан бошлайди. Турли байрамларда, айниқса, сессия олдидан бу жараён шиддат-ли тус олади. Ҳатто, умуман, «чўтал» олинмайдиган бизнинг факультетда бир фандан қонун-қоида билан таниш эмас. Иккинчидан, ўздан ҳал-толиқ ўтган ва ҳокзо...

Университетга кирган йилларим биринчи сессияда ота-онам «сессияга қанча пул берайлик», деб сўрашган. Очғи, ҳайрон бўлгандим. Сабоби, баҳоларим, балларим етарли эди-да. Мана, ўқиниш тугатишимга ҳам оз фурсат қолди, аммо баҳо учун «ҳаражат» қилганимни билмайман. Ойлаб, ота-онам ҳам бунга кўнишган. Гурӯҳимизда ҳам ҳеч ким унақа йўл билан баҳо олмайди. Хулоса шуки, барча гап — ҳамманинг ўзида.

Алишер РАВШАНОВ, талаба:
 — «Шундай қилинг, ишим битсин», «Албатта хизмат

АКС-САДО

САРЧАШМА

Яна бугунги кинолар ҳақида

«Хуррият» газетасида эълон қилинган Одилжон Иномовнинг «Тарихий кинолар қачон яратилди?» деб номланган мақоласини ўқиб чиқдим. «Чингизхон» киноси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан сўнг қалбимда «Нега бизда мукамал тарихий фильмлар яратилмапти?», деган мулоҳаза тугилди.

маънавиятимизни бойитиб келмоқда.

Ҳозир мустақиллик шарофати ила минг асрлар ичра пинҳон тарихимизни, замона-

«Сарбадорлар», Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довоми», Мирмуҳсиннинг «Хўжад қалъаси», Миркарим Осимнинг «Тумарис», «Широқ», «Жайхун устида булутлар», «Ибн Сино қиссаси», «Утрор», «Темур Малик» Явдот Илбоснинг «Спитамен», Маннон Эгамбердиевнинг «Сариқ аждар ҳам-

ганлиги айтиб қолинади. Бу нотўғри, албатта. Роман, қисса каби йирик асарларни қўйинг, дунёда биргина кичик ҳикоя асосида яратилган эър кинолар оми?

Маблаг масаласига келсак, эҳтимол яхши, умрбоқий кинолар яратиш учун анча-мунча пул талаб қилинар. Аммо кун-кунора ёмон қовуннинг уруғидек потирлаб чиқаётган энгил-елпи, савияси бўш кинолар учун маблаг топилапти-ку!

Яна бир муаммо: ҳозирги болалардан «миллий қаҳрамонларимиз акс этган қайси киноларни биласиз?», дея савол берсак, «Семурғ»дан бошқа бирор эртанги эслолмайдилар ҳам. Шу билан бирга болалар учун ўзбек миллий эртанларини, халқ оғзаки ижодларидан фойдаланиб, болалар учун махсус кинолар яратилса нур устига, аяло нур бўларди.

Яна бир гап. Бугунги келажак авлодга Жанг Богонин тарғиб қилишдан кўра, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ни улар онгига сингдирсак, болаларимиз миллий руҳда тарбия толарди. Қачонгача болаларимизга ўзга миллат қаҳрамонларини ўрнак қилиб кўрсатамиз?

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

миз қаҳрамонларининг ёрқин сиймосини киноленталарга муҳрласак, ҳеч ким монелик қилмайд-ку. Кинорежиссёрларимиздан, актёрлардан «Хатто бир марта кўришга ҳам арзимайдиган фильмлар яратилмапти», деган мунозарали саволни берсак, шубҳасиз «Театрга саҳналаштириш учун яхши пьесалар, кино олиш учун эса салмоқли асарлар йўқ», дея ўзларини оқламоқчи бўлишади. Ахир бизда кино олиш учун маънавиятимизни бойитиб келлаётган қанча тарихий, замонавий асарларимиз бор-ку. Масалан, Муҳаммад Алининг

ласи» каби асарларини маромига етказиб, санъат даражасида кинолар яратилса, жажонни титратган «Гладиатор», «Спартак», «Шерюрак», «Ватанпарвар» сингари фильмлар қаторида улуғланарди.

Аммо баъзан яхши кинолар яратилмаётганига маъқул асарлар ҳамда зарур маблагларнинг етишмаёт-

АВЛОНИЙ



Халқимизнинг машҳур маърифатпарвар инсонларидан бири Абдулла Авлонийнинг таълимий-ахлоқий асарлари миллий қадриятларимиз ва миллий маънавиятимизни бойитишда катта аҳамиятга эга. Адиб асарлари мустақиллигимиз тугайли ўқувчилар қўлига теғди. Бир неча жилдик сайланмалар сирасида қайта нашр этилди. Бу асарлар ёш авлод таълим-тарбияси учун гоётада қимматли ва қадрлидир. Алломанинг илк бор 1914 йилда чоп этилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», 1915 йилда дунё юзини кўрган «Биринчи муаллим» ва «Иккинчи муаллим» сингари китоблари ўша даврдаёқ зўр шодлик билан қутиб олинган. Ва Туркистон учун энг керакли... «ахлоқ китоби» сифатида қабул қилинган. Аммо... собиқ Иттифоқ мафкураси, қизил империя сиёсати миллий қадриятларимизни улуғлайдиган, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган бундай асарларни қабул қила олмас эди. Шу боис, алломанинг асарлари ҳам ўтган 70 йил давомида назардан четда бўлди. Эътиборли томони шундаки, А. Авлоний ҳам ўз асарларида мустақиллик эркинлик, чоризм таълими, меҳнатқашларнинг машаққатли ҳаётини очик-ойдин айтиб: «Биз осойликлар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз», деб ёзган эди.

Аллома асарларидан олинган куйидаги кичик ҳикоятлар ҳам бугунги «Хуррият» ўқувчиларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Абдулла АВЛОНИЙ

Ямонлиқ жазоси

Бир кишининг Қосим исми бир ўғли бор эди. Ота ва онасининг сўзига кирмасдан ҳар хил ямон ишларни қилур эди. Болалар бирла урушиб, яқолашуб, кийимларини йиртуб келар эди. Уйда онаси меҳмон учун асраб қўйган

таомларини егон вақтда, онаси: — «Қосим ўғлум! Таомни сен едингму?» — деса, — «Мен еганим йўқ, мушук егандир», — дер эди. Бир кун отаси устол устига бир танга пул қўуб, ўзи ух-

лаган киши бўлиб ётди. Қосим келуб, секин тангани олиб оғзига солди. Шу вақт отаси ушлаб олмоқчи бўлгонда тангани ютуб юборди. Танга боруб, Қосимнинг ҳалқумига тикилиб, жон берди.

Эй болалар! Кўрдингизми, ямоннинг ямонлиги ўз бошига етди.

Тўғрилиқ

Бир кампирнинг уйида бир туп балх тутти бор эди. Ниҳоятда тўғри ўсган эди. Бечора кампирнинг шул тутдан бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди. Пишган вақтда курутиб олуб, бордонга солуб, бойларга тортуқ қилуб, пул олуб, бутун авқотини тут сотуб ўтқарур эди. Бир кун ул шаҳарнинг подшоҳи бир айвон солмоқчи бўлуб, устун охтарганда кампирнинг тутти тўғри келди. Подшоҳ тутни минг олтунга сотуб олди. Бечора кампир бой хотун бўлуб

қолди. Бир кун тутни кўргали борди. Кўрдик, тутти жаннат каби бир айвон ўртасида турубдур. Кампир тутига қараб дедики:

Эй тутим, тўғрилиқинг қилди бизи давлатга ёр, Эгри бўлсанг, сан ўтун бўлғай эдинг, ман хор-зор, Тўғрилар жаннатнинг айвонидадур, Уғрилар ранжу алам кониндадур.

Ақли бола

Бир бола қўшнинг уйига ўралмиш табақда таом олиб борур эди. Бир киши учраб:

— Эй ўғлум, табақда нима олиб борурсан? — деди. Ақли бола жавоб бериб: — Эй отажон, табақ ичиндаги нарсани(нг) кишига айтмоқ ва кўрсатмоқ мумкин бўлса эди, усти ўралмаган, очик бўлур эди, — деди.

Тарбия

Тарбия — «Педагогика», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакни тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўстурмакдур. Тарбия қилгучилар табиб кабудурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жажл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклиқ» деган «Ҳассину ахлоқум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Аромизда масал борки, «Сут ила кирган, жон ила чикар», мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набийий муҳтарам саллалоху алайҳи васаллам афандимиз: «Бешиқдан то мазорга боргунча илм ўрган», — демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Хукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур», — демиш. Шариати исломиётда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзияи, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур. Пайгамбаримиз: «Болаларингизни етти ёшида намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўқумаса урингиз», — демишлар.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият, Балки охирида эрур доруламони тарбият. Тарбият ҳамроҳ эътадур хур ила рузвонлара, Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.

Э, оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз, Файрат айланг ўтмасун вақт-замони тарбият. Мояи зилли ҳумодур тарбиятнинг сояси, Бизда анко тухмидек йўқ ошйени тарбият.

Тарбиянинг замони

Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нуруландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, эҳнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни қилмак қилур? Қайда қилинур? — деган савол келадур. Бу саволга, «биринчи — уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур», деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Узларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар?», дер. Мана, бу сўз кишини юрагини эзар, бақрини ёндурур. Отасига нима дерсиз, десак, «қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмичи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни қўларни қўймаган, замондан хабарсиз оталарни айтадурсизми? Аввал ўзларини ўқутмак, тарбия қилмак лозимдур», — дер. Мана бу сўзни эшиттач, умид қўларни қўлтўқга урилур.

Кўлиб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур», — дер. Мана бу сўз кар кимни «Ал-ислох» демакка мажбур қилур. Бўлмаса, ҳукумат-чи? десак, «хайр, ҳукумат ҳамманинг отасидур. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим. Шунинг учун бизнинг Русия ҳукумати ўғай бўлсак ҳам, ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқутур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялқов, уйда она тарбияси, отадан пул тарбияси, муаллимдан ахлоқ тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаимиз», — дер. Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, ҳуқуқнинг на эканин билмаганимизни билдурур.

Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийий муҳтарам саллалоху алайҳи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг қарами динидадур, мурувати ақлидадур, ҳасаби ахлоқиндадур», демишлар.

Агар бир кишининг ёш боласин олиб, Булур тарбият бирла йўлга солиб, Онасин олиб асрагон бирла ром қилмас, киши саъй қилса мудом. Керак тарбият ёшиқдан демак, Улур бўлса лозим келур гам емак. Эгур бемашаққат киши наводани, Тўғунчи (темирчи маъносиде) эгур куйдириб қавад(тақани) эгур.

«БИРИНЧИ МУАЛЛИМ» ВА «ИККИНЧИ МУАЛЛИМ» китобидан олинди.

Саводсизликми ёки беписандлик?

Билим моддият эмас, лекин у моддиятга айланади. Бугунги цивилизация, технология, компьютер каби моддийликларнинг барчаси аслида инсон ақлининг зуҳури, намоёни. Шу жиҳатдан олсак, савод ва саводлилик ҳам гарчи маънавият билан боғлиқ бўлса-да, воқеликка айлангани, ўз моддий ақсини топиши бор гап. Масалан, кўча-кўйда осилган-қоқилган турли пешлавҳалар ширлар мутасаддиларнинг саводини, она тилига муносабатини кўрсатиб туради.

сўзини қандай талаффуз қилишар экан? Тошкентнинг қоқ марказида муҳташам бир меҳмонхона бор: бир томонига «Royalt», бошқа тарафига «Royalt» деган битик ўрнатилган. Бунда не ҳикмат бор экан, деб ўйланаман, ҳеч маъно топа олмаиман. Республикаимизнинг турли ҳудудлари, айниқса, пойтахтимизда «х» ва «ҳ» саводсизлигининг энг кенг тарқалган кўриниши «Dorihona!» Наҳотки, айричи фармацевтларимиз «Dorihona»ни ҳам тўғри ёзишни билишмасе? Бироқ негадир улар «Аптека» сўзини доим хатосиз ёзадилар. Республика товар-ҳомашё бир-

гача ном қўйишда ўзбеконаликка эътибор бериш аслида миллий гурурнинг қучилигидан дарак беради. Ростки, ён-атрофда будининг ақсини кўриб, «бироз таъбинг хира бўлади. «Олой бозори қаерда?» деб сўраб қолсангиз, кўпчилик юзингизга ажаблангандай қарайди. Олойни билмаганимиз учун эмас, «Алайский» демаганингиз учун. Тўғри-да, қ а р и й б

майсизми, «шурпа», «лагман», «шашлык» деган таомларни кўриб ўзимизнинг овқатниям русча ёзишганига ва буни бизга қайсидир маънода маъқуллатиб олаётганларига шохид бўлиб, қуларингизга, йиғларингизга билмай қоласан.

1. «Х»нинг «дум»и борми? Бу саволдан кўпчилик «Иккита «х» нимага керак, ўзи?» деб хуноби ошиб қолади. Лекин мана шу битта «дум» «гавҳар»ни «гавхар»га айлантириб қўйиши мумкин. Доимо кескин маъно фарқлаш учун хизмат қилмаган тақдирда ҳам, шуни унутмаслик керакки, тилимиздаги бу товушларнинг бири бўғизда талаффуз қилинса («ҳ»),

жасининг шундоқ биқинидаги бинода «... korhonasi» деган ёзувга кўзимиз тушиб қолди — навбатдаги хатоликлардан бири. Энг... нима десам экан, энг... Хуллас, бир кун 22-

Мисоллар келтиравериб, зериктириб қўймайлик-да, хулосага ўта қолайлик. Мен шунчаки ҳар бир ҳаракатимиз тийнатишимиздан сўйлашини эслатиб қўймоқчи эдик. Яна, Қўйликларимиз «Куйлюк»ларга айланиб кетмасин деймиз-да!

3. Эрни боқсанг, эр сени боқади. Бу мақолни эшитгансиз, аслида «Эрни боқсанг, эр сени боқади» бўлиши кераклигини ҳам биларсиз. Лотин графикасида эса ер «ег» эмас, «уег» ёзилиши лозим. Икки графика орасида мана шундай айрим нозик фарқлар борки, уларни билмай туриб, юқоридаги каби қулгилги ҳолга тушиб қолиш мумкин. Мен бундай шармандали широра катта йўл бўйида, Тошкентдан Жиззахга кетаверишда дуч келган эдим.

Энди ҳар йили Наврўз арафасида бир қатор жойларда (хусусан, Халқлар дўстлиги саройи ёнида) ўрнатиб қўйиладиган «Navro'z sayili — xalq sayili» шиори ҳақида бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Аввало, халқсиз сайил бўлиши мумкинми? Яна кимнинг ёки ниманинг сайли бўлади? Иккинчи хатолик эса имловий. «Сайил»га «-и» эгаллик қўшимчаси қўшилса, товуш тушиши ҳодисаси рўй бериб, «сайил»га айланади. Бир хил хатонинг такрорланишига қараганда, битта шир ҳар йили осилиб, кейинги йил учун ҳам авайлаб асраб қўйиладиган кўринади... Фаррух ҲАСАН ўғли

Ведоим сервис. Автоматлаб «В» топбаси. Компьютер саводқонлиги. Бийиш тикиш. Пардалар тикиш. Кандолатчилик. Сартарошилик (арқав ва аёллар). Тел: 144-40-47; 142-16-63



АВТО ЭХТИЁТ ҚИСИМЛАР. DAEWOO. ВАЗ. АКБЕССУАРЛАР

иккинчиси эса чуқур тилорқа ундоши ҳисобланади («х»). Афсуски, уларни ажрата олмаб, қизикчи Ҳожибой Тожибоев (Ҳожибой эмас!) айтгандек, қаттиқ «х»ми, юмошқ «х»ми деб юрганлар қанча орамизда. Билмаганин сўраб? билиб олиш уят эмаску-я! Аммо сўрашга ҳам ҳафсаласи келмай, «ўзибилармонлик» қилаётган кишиларнинг хатти-ҳаракати она тилимизга беписандликдан ўзга нарса эмас. Бўлмаса, пойтахтимизда катта кўчада (Фаргона йўли бўйлаб Қўйлиққа кетаверишда) катта ҳарфлар билан «Хамза тумани» деб ёзиб қўйишармиди? Аския бозори рўпарасида, Усмон Носир қўчасида «Иҳтисослашган (!) алкоголь дўкони», деб ёзиб қўйганлар «иҳтисос»

миниавтобусда икки милиция ходими билан кетдим. Яшил форманинг бир енига «O'ZBEKISTON ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI» деб ёзилган. Не кўз билан кўрайки, иккинчи тарафида... «Post patrol hizmati» деган ёзув бор эди. (Билмаганлар учун — аслида «хизмати» бўлиши керак эди.) «Кўйинглар-эй!» дедим-у (ичимда), шундан сўнг «х» ва «ҳ» саводсизлигига эътибор бермай қўйдим.

2. Узингники ўғаймас. Кўча-кўйга чиқсанг, одамлар ўзимизники, битиклар ўзгача. Ўрисча ёзувлар ёнига инглизча, яна алламбало тиллардаги пешлавҳалар кўшилди. Фикрлар хилма-хиллиги каби бу ҳам яхшику-я, бироқ улар орасида тобора ўзбек тилидаги ёзувлар «дефицит» бўлиб бормоқда. Супермаркетдан тортиб оддий сартарошхона-

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

АНЪАНА

Отнинг кўрки — кўпкари

Утган якшанба кuni Бойсунда катта кўпкари бўлиб ўтди. Машҳур чавандоз Холли Мамаюсов хотирасига бағишланган учинчи ўзбекистон кубоги биринчилигида юртимизнинг турли минтақаларидан келган чавандозлар куч синашдилар.

Чилонзор қишлоғи яқинидаги кенг адир отлар кишаши, чавандозлар хайкиригига тўлди. Уларга вақти-вақти билан томошабинларнинг ҳис-ҳаяжонлари кўшилди. Адирнинг тепа-тепа жойларида ўтовлар тикилган, улар атрофида одамлар йиғилган. Бахшилар бири кўйиб-бири олиб, чопонлар юрагига ўт солиб, «Алломиш»дан айтаётди, ора-сирада ундай-бундай термалар ҳам кўшаётди. Отлар дугурига дўмбира овози жўр бўлаётди. Хуллас, ҳаммага зўр бўлаётди. Бир томондан Шодмон бахши дўмбирасини чертиб, от ҳақида бир терма айтиб, «ха» деган туяга мадад деб турган жойи экан:

Тўрт оёғин қоққан қозиг-а,
Учаларинг қиздан нозиг,
Уйнасанг, уйининг яши-ей,
Кўзаларинг сузук-сузук.
Ҳайда отамнинг оти-я,
Тайла отамнинг оти-и-и...

— Кайир-а, номард. Кайир!
— Отнинг жиливини кўйиб юборди-да...

Ана пайт бир жойда ўралашиб қолган отлар ичидан жийрон тўрик билан кўк бўз сарчаб чиқди-да, ке-е-енг кенгликлар томон потирлаб ўчди. Уртада улоқ, отларнинг жиливи кўйиб юборилган, чавандозлар улоқни бор кучи билан тортишайтир. Қора тўрикнинг чопогони от устида бир кўрина-

ди, бир кўринмай қолади. Улар ортидан тўртов-бешов чавандоз от солди...

Бу сафар ҳам омад сурхондарёликларга кулиб боқди... Вилоятлардан келган жамоалар беллашувида сурхондарёликлар голиб бўлди, қашқадарёлик чавандозлар иккинчи ўринни олиб кетди. Андижонга кейинги поғона насиб этди.

— Биз ҳам Холли бобонинг мухлислариданми, илк бор у кишига ҳавас қилиб, от миниб кўпкари чопганми, — дейди Жума чопогон Холбоев. — Айтишларича, Холли бобо 13-14 ёшларида улоқ чопа бошлаган экан. Кексайиб қолганида ҳам деган-деган чопогон йиғитлардан улоқни тортиб олганига ўзим гувоҳ. Холли чопогон бошқа давлатларга ҳам бориб ўзбекларнинг орини олган одам бўлади.

Машҳур чавандоз Холли Мамаюсов хотирасига бағишланган улоқ-кўпкари буйича III ўзбекистон биринчилиги бахслари яқунлангач, ўзимизнинг жайдарича оломон кўпкари бошлаб юборилди. Улоқ ўрнига тана сўйилди. Энди ҳаммаям билавермайди, бу тана деганлари, биродарлар, қорамолнинг кичикроғи бўлади, ўлдим деганда 70-80 кило юки бўлади. Ана энди ҳақиқий кураш бошланади.

— Кўпкари икки хил бўлади, — дейди Хидир Чоршанбиев. — Баъзи хуудудларда шундай кўпкари борки, қорали олиб кетди. Битта белги қўйилди, улоқ ўша ерга ташланса ҳисоб. Қозон кўпкари ҳам шунинг бир кўриниши. Бизда бошқача. Чопогон улоқни тўдадан айриб чиқса бўлди — ҳалол шў! Ана-ана, жийрон қашқа ёриб чиқди.

Тўдадан жийрон от отилиб чиқди, ўн-ўн беш қадамлик йўл босмасдан ҳалойиқ хайкирди: «Ҳалол жайронни-ки!» Чавандоз танани ерга ташлади. — Бизда ҳалол ҳисобланганининг икки шarti бор, — деб гапига давом этди Хидир ака, — уйириб ташлаш ва ёриб чиқиш. Яхши чавандоз отни қийнамайди, тўданинг ичида улоққа ҳеч қимнинг қўлини теккизмасдан бир уйириб — айлантри ташлайди. Ана ҳам ҳалол, бояги жийрон қашқадай



ёриб чиққаниям ҳалол.

Шоберди бахшининг кайфияти йўқ, У ёққа ўтади — бўлмайди, бу ёққа ўтади — бўлмайди. Одамларга гапирмайди. Бахши бовага нима бўлди экан?

— Жим тур! Ҳозир менга гапирма! Отим айиролмаяпти.

Бу кўпкари Шоберди бахшига омадсиз келгандай. Арна ўрнига майиз бериб боққан ишонган оти солим ололмаяпти. Аслида, солимининг катта-кичигининг фарқи йўқ. Мухими,

УЧРАШУВ

Тўйғу ва тафаккур жозибаси

Тасвирий санъат асарлари мазмунан кенг, шаклан ранг-баранг, ижтимоий ҳаётимизга ҳамоҳанг тарзда абдиётга дахлдор бўлса, санъатнинг гоғий, эстетик қудрати замонамиз ҳаётининг маънавий, руҳий оламидан бетизини тасвири орқали қалбларга кўчади.

Ана шу улкан вазифани амалга ошириш учун халқимизнинг турмуши ва урф-одатларини, тарихини чексиз меҳр билан санъат асарларига кўчирётган Ўзбекистон Бадий Академиясининг аъзоси, таниқли расссом Нодир Шоабдурахимов рангтавсир санъатида ўз ўрни ва ўз услубига эга ижодкорлардан бири.

Айни пайтда расссом яратётган ҳаёт ва табиат уйғунлигидаги ўзига хос, янги-янги мавзулардаги ранг-баранг асарлари Ўзбекистон Республикаси расссомчилиги кўргазмалари дирекциясида, Темурийлар тарихи Давлат музейида, Миллий банк галереяси коллекциясида ҳамда Германия, Италия, Россия, Покистон, Англия, Бельгия каби мамлакатларда сақланиб келаётганлиги келажакда тасвирий санъатимиз тарихини маънавий жиҳатдан бойитади.

Бундан ташқари, Нодир Шоабдурахимовнинг юртимиздаги ноёб меъморчилик обиддалари ва бошқа қатор маъмурий биноларни безаида яратётган пейзажлари ҳам томошабинларга эстетик завқ бағишлаб турибди.

Мусаввир ижодхонасига ташриф буюрарканми, устaxonада бўёқлар ва мато ёрдамида у чицаётган янги асарларни, бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган композицияларни, ҳали тугалланмаган эскизаларни кузатарканми, булардан келажакда яхши асарлар дунёга келишига яна бир бор амин бўлиди.

Айниқса, аллақачон санъат ихлосмандларини ўзига жалб қилган «Муқаддас оила», «Орзулар дарахти», «Эгулик», «Муқаддас учлик» каби асарлари ҳақиқатдан ҳам Нодир Шоабдурахимов ижодида муҳим аҳамиятга эга. Мусаввир билан мулоқотимиз ҳам бевоқоф ижод иштирокида расссомчиликнинг машаққати, сеҳри синоатлари, энг асосийси, тўйғу ва тафаккурнинг жозибаси ҳақида мунозарали кечди.


— Нодир ака, Ҳазрат Алишер Навоий: «Эй мусаввир, дилбаримга сурати монанд қил, Кўрмақидин хотирини гоҳ-гоҳи хурсанд қил...», деганидек, деярли, барча асарларингиздаги янги услуб, янги шакл, янги тасвирий воситалар нега айнан, Аёл образига келиб сайқал топади? Сизнингча, бундай нафис нафосат тасвирининг бетимсоллиги нимада?

— Туркум картиналарим Аёлга бағишланганлиги сир эмас. Минг азоб-укубат ила фарзандини ўстириб, воғяга етказган ва уни мард ўлгон этиб тарбиялаган Онаизорга бағишлангандир. Она меҳр-муҳаббати тўфайли бу фарзанд кучли, жасур ва чин севига қодир, аёл эотини ардоқловчи олижаноб инсон бўлиб етишди. Қадим замонларданқо эркакларни бунёдкорликка илҳомлангирин, уйда аса ёрини интизорлик билан кутган аёл образини яратиш мен учун жуда мароқли ва мазмунли кенчи. Аёл борки, хонадонларимизда ханиша осойишталик, меҳру муҳаббат, тотувлик, уйғунлик бор. Аёлдан илҳомланган эркак гилдиранки ихтиро қилди. Тарих шу гилдирак тўфайли ҳаракатда. Юксалиш бошланди. Инсоният тамаддуни туғилди ва ривож топди. Маданият ва санъат яратди. Аёл образи азалдан шoir ва расссомлар учун илҳом манбаи ҳам бўлиб келган. Энг сара асарларим ҳам буюк салтанатларнинг бунёд этилиши, тамаддуларнинг янгилашига илҳомлангирин, ҳаммаимиз учун сир бўлиб қоладиган Аёлга бағишланганлиги ўзимни ҳам руҳлангирати.

— Юқорида сўзбатимиз вилигингиз кечган тўшалар... айрича хотиралару армонлар ҳақида кечганда беҳитёр «Болалигимда буним тиккан куюрқўрпа, Ўстик жилдиридаги ранг-баранглик тасаввуримга мустаҳкам муҳрланиб, келажакда миллий руҳда яхлит асарлар яратишимга катта туртки бўлди», дедингиз. Ҳўш, бугун мана шу ранг-ранг тусларда яратилган картиналарингизда ўзингиз орзу қилган

гўзаллиқни излаб топдингизми?

— Ешлигимда хайкалтарош бўлишга жуда қизиққанман. Хатто пластилиндан турли фигуралар ҳам ясаганман. Рангтавсирга ҳавас қўйишимга эса урушга кетган Саиджон тоғамдан мерос қолган расмлар альбоми сабаб бўлган. Альбомдаги тоғам чицган расмларни ҳар кун кўравериб, қалбимда расм чициш иштиёқи тургилан. Шундан сўнг ҳаётга, одамларга, атрофни курашган оламга, табиатга бўлган муҳаббатимни матода ранглар жиқосида ифода этишга киришганман. Дастлаб, П. Бенков номли Республика расссомчилиги билим юртида тахсил олиб, кейинчалик Тошкент дав-



«Орзулар дарахти». 2002 йил.

лат театр ва расссомчилик институтида ўқидим. Олийгоҳни тугатгач, энди услубимни эгаллаш учун тинмай изландим. Биринчи чицган ижодий асарим «Мушқачи» картинаси бўлиб, Республика расссомлар кўргазмасида кўпчилиқка маъқул келганди. Ушанда бу асаримни Бадий ижодкорлар кўргазма залында сотиб олишганди ва ҳозиргача шу ерда сақланади. Ижодимга эътибор берган бўлсангиз, асарларимда ақл, фикрдан кура тўйгу устун туради. Кўп Шарқ миниатюраси, қадимий халқ ривоятларидан, шеърятдан, мусиқадан илҳомланиб, бир қанча асарлар ижод қилганман. Инсон қалб кечинмалари ва ҳаёт фалсафасининг ноёб ҳолатларини тасвирлашга уринганман. «Ҳаёлпараст», «Орзулар дарахти», «Сув париси билан учрашув», «Сухбат», «Баҳор» каби асарларим ҳаёлот оламимда, фантазиям асосида дунёга келган.

— Умуман... инсон ҳиссийтини ва ҳислатини жиқавор бўёқларда ҳаққоний тасвирлаш осон иш эмас. Сизни кўпроқ қайси ранглар илҳомлангирин, ижод қилишга ундайдир?

— Шубҳасиз, ёрқин, кўк, сарик, қизил... — Бу ранглар бевосита идрок этилиш, тасвир маданияти билан ҳам узвий боғлиқми?

— Албатта, рангларнинг тасвир маданияти бевосита идрок этиш орқали қалбларга сингари. Ҳар бир рангдан янги гоғ туғилиши, гоғлар-

дан эса санъат асарлари дунёга келади. Идрок эса кашфиёт яратеди.

— Ҳа, сиз таъкидлаганингиздек, санъатдаги ҳар бир ҳодиса кашфиёт саналди. Бетақдор кашфиётлар эса ниманидир кўплаб яратиш имкониятини ҳам беради. Масаланинг долзарб томони шундаки, санъатдаги руҳий яқинлик, бир хил гоғ, табиатдан нусха олиш мусаввирга ҳам, томошабинларга ҳам ҳеч нарса бермайди. Хуллас... бугунги санъат асарларининг сифатига нима дейсиз?

— Тасвирий санъатда сифат масаласи жуда муҳим. Расссомнинг ҳар бир яратган асари янги гоғлар уйғунлигида, интеллектуал салоҳиятга эга бўлса, томошабин учун ҳам, маънавий-иқтисодий ҳам хизмат қилади. Ҳар доим яратилажак асарларимни, аввало, Бадий гоғисига эътибор бераман. Булар чексиз ҳаёлотнинг маҳсули бўлса ҳам ўз ҳиссий кечинмаларини ифодасини образли оҳангларда тасвирлашга интиланман. Айниқса, композицион асарларимда атроф-муҳитнинг реал белгиларини сақлаб қолишга уринаман. Аммо расссом асарлари фотосуратдан бутунлай фарқ қилиши керак. Табиат уйғунлигида асар яратётган пайтда расссом ўзининг тасаввурларини ҳам кўйиб яратса, максадга мувофиқ бўлади. Кўпчилик расссомлар асарларим аслига ўхшамай қолибди, дея ранжичиди. Вақт ўтиши билан тажрибалари ошиб, фикр, тўғрилиқ куоқлашганди, буни хато эканлигини англаб етди.

— Сиз рангтавсир санъатида улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда миллий меъморчилик обиддаларини кўришниларини ҳам миллий нақшлар беағи уйғунлигида ярати келаятган пейзажларингиз томошабинларнинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Бу заҳматалоб ижод сеҳри ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Илк бор таниқли Баҳодир Жалолов билан бирга Миллий банк биносида «Умар Хайём туши» номли фалсафий кўринишдаги асар ишлагандим. Бундан ташқари Туркистон концерт саройида, Бухоро, Самарқанд меъморчилигида ҳам турли хил мавзуда бир қанча расмлар ишлаганми. Маҳоратли расссом Мурод Азлархўжаев билан Урта Осиё минтақасида ҳам миллий санъатимиз руҳига йўғрилган асарлар яратдик. Ҳар доим асарларимизда акс этган ўзбекистонимизнинг сўлим гўшасию, шарқираган кийинлари, узумзор ишқоқлари ҳамда миллий санъатимизнинг жозибали нақшлари, ёғоч ўймакорлиги, миллий сўзана ва кашталари хоржиқларда ҳам илқ тасоусур қолдирган.

— Тасвирий санъат даргоҳига кириб келаятган ёш расссомлар ижодига муносабатингиз қандай?

— Республикаимизда бўлиб ўтаётган кўп кўргазмаларда иштирок этаман. Баъзан кутилмаганда «ярқ» этиб, янги номлар, янги асарлар кўзга ташланиб қолади. Кейин кўпчилиқнинг «Ешлар Европа санъатига аргашаяпти. Миллий руҳда асарлар кам яратилапти», деган мунозарли, мушоҳадалий фикрларини ҳам эшитиб қоламан. Мен бу фикрларга мутлақо қўшилмайман. Расссомнинг руҳияти қандай бўлса, ўша йўсинда расм чицади. Унга бундай чициш керак, ундай чициш керак деб ўқтирилса, ўз йўналишидан қалғиши мумкин. Нима бўлганда ҳам ҳар бир расссомнинг ўзига хос йўналиши мавжуд. Санъат даргоҳига янги ижод намуналарини билан кириб келаятган Беход Мамарайимов, Музаффар Ахрорхўжаев, Зокир Жуманов каби иқтидорли, ёш расссомларнинг асарларидан келажакда умидим катта.

— Мухлислар учун яна қандай янги асарлар устида ишлангисиз?

— Хайкалтарошлик, миллий меъморчилигимиз биноларида томошабинлар завқландиган асарлар устида тинмай изланишлар олиб бора-япман. Яна янги картиналар устида ҳам ишляяпман. Яқин кунларда мухлислар учун кўргазма ташкил этиш ниятим ҳам бор.

Адиба Умирова сўхталашди.

«Фалончининг оти айирди» ёки «Фалончи чавандознинг омади чолди» деса-лар бўлди. Кўпкари авжга минган сайин солим, яъни голибга берилдиган мукофот ҳам кутарилиб бора-веради. Энг охирида энг катта солим қўйилади. Унинг нимаалиги эмас, ким олганлиги муҳим.

Халойиқ гурр этиб ўрнидан турди: — Ҳалол! Шодиберди бахшининг отиники ҳалол!

Бахши бованинг юзига табассум энди, кўнгли яшнади. Гиламни тағига босиб, мийғида кулиб ўтирди. Утирди-ўтирди, забт турди-да, бориб кўлига дўмбирани олиб, бир дoston айтиб берайин деб, Алломишнинг қайтишидан бошлади. Ҳам кўлдирди одамларни, ҳам уйга толдирди.

Кўпкари — элнинг тўйи. Бойсун туманида бўлиб ўтган ана шундай тўйлардан бирига Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси, Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси ва туман ҳокимлиги хомийлик қилди. Холли чавандоз Мамаюсов хотирасига бағишлаб ўтказилган республика биринчилиги голиблари хомий ва ташкилотчиларнинг қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси бош қотиби Жўрақузи Турдиматовнинг айтишича, анъанавий мусобақа келгуси йил Осиё чемпионати миқёсига кўтарилади. Туркия, Эрон, Покистон, Муғулистон ва қўшни ўлкалардан чавандозлар таклиф этилган. 2009 йил 27-29 март кунлари Термиз туманидаги отчопарда анъанавий кўпкари мусобақасини ўтказиш режалаштирилган.

Фаррух ЖАББОРОВ

СПОРТ

Сардор Голландияда ўйнайди

www.uff.uz сайти Тошкент шаҳрида таваллуд топган 10 ёшли ҳамюртимиз Сардор Юсуфов Голландиянинг машҳур футбол клубларидан бири «Фейенорд»нинг академиясига қабул қилингани ҳақида хабар тарқатди.

Сардор икки ҳафта давомида голландлар мураббийлари кўригига бўлиб, синовлардан муваффақиятли ўтган. У «Нек» ва «Трен» клубларига қарши ўтказилган учрашувларда майдонга тушиб, учта голга муаллифлик қилди. Шунингдек, у жамоадорларнинг икки голига асистент ҳам бўлган. Шу йўсинда Тошкент шаҳридаги 166-мактаб ўқувчиси эндиликда «Фейенорд» клуби академиясида футбол сирларини ўрганиш ҳуқуқини кўлга киритди.



Жангга

маблағ зарур

Украиналик спортчи, WBA йўналишининг ўрта вази тоғфасидаги чемпиони Андрей Котельник ўзининг чемпионлик камарини Львовда ҳимоя қилишни хоҳлаётганини маълум қилди.

Бўлажак рақибнинг ким бўлиши эса унга аҳамияти йўқ. — Рақибим ким бўлишидан қатъий назар у билан мултлашшига тайёрман, — дея таъкидлаган у журналистлар билан мулоқот чоғида. Боксчининг менежери Михаил Пантелеевнинг сўзларига қараганда, жанг шу йилнинг сентябрь ёки октябрь ойларига ўтказилиши мумкин. — Андрейнинг жанги Львовда бўлиб ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай бўлса-да бу вақт оралиғида биз учрашувга етарлиқ маблағ топлашимиз лозим, деб айтиб ўтган спортчининг менежери Пантелеев.

Хайр, Челси



Англиянинг машҳур жамоаларидан бири Лондоннинг «Челси» футбол клуби раҳбарияти жорий йилнинг май ойида жамоани тамоман тарқ этадини ўндан ортик фўтболчилар рўйхатини эълон қилди. Улар орасида Дидье Дрогба, Фрэнк Лемпард, Андрей Шевченко ва Таль Бен Ханм каби ўйинчилар ҳам бор.

Учрашув кuni маълум

WBO ва IBF йўналишларининг ўта оғир вазндаги чемпиони украиналик боксчи Владимир Кличко ва америкалик чарм кўлқоп устаси Тони Томпсонлар ўртасидаги жанг шу йилнинг 12 июлида Германияда бўлиб ўтади, деб хабар тарқатади www.sovsport.ru сайти.

Маълумки, 36 ёшли спортчи Тони Томпсон фаолиятини айнан WBO йўналишида бошлаганди. Утган вақт давомида у бир-биридан ажойиб ва кизиқарли жангларни ўтказиб, мухлислари ишончини қозонди. Ана шундан бўлса керак, ҳозирда Тони ишкибозлари унинг галабасига ишонияпти. Шу ўринда яна бир кизиқарли маълумотни айтиб ўтишни истардим, ушбу боксчи Германияда ўтказган барча учрашувларда галаба қозониб, оғир вазндаги Доминик Гусни, Тимур Ибрагимов ҳамда Луан Красничи сингари таниқли боксчиларни мағлуб этган.

Азим РЎЗИ тайёрлади.

Газетамизнинг кейинги сони 23 апрель кuni чиқади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Автотранспорт воситаларини расмийлантиришга доир

Эшитишимизча яқинда, ҳукуматимизнинг қарорига кўра, энгил автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда этиш шартномаларини ва бошқа шартнома шартномаларида ўзгаришлар бўлибди. Ана шу ҳақда тўлиқроқ маълумот беришларингизни сўраймиз.

Комил ЭРАТШЕВ, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралдаги «Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 35-сонли қарори қабул қилиниб, у 2008 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилди.

Янги давлат божи ставкалари мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида, фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда этиш шартномаларини ҳамда улардан фойдаланиш ва ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни нотарий тасдиқлашга қўйилмайд.

Шунга эътибор бериш кераки, маъмур Давлат божи ставкалари Ватанимизда ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан 2007 йил 1 апрелга қадар харид қилинган энгил автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда этиш шартномаларини ҳамда улардан фойдаланиш ва ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни нотарий тасдиқлашга қўйилмайд.

Ушбу қарорга биноан мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида, фуқаролар ўртасида, шунингдек, фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда учун давлат божи автоомбилининг ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди ундирлади.

Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлашга қўйилмайд. Юқориди ҳаракатлар учун уларга нисбатан олдинги Давлат божи ставкалари қўйилмайд.

Самандар ОРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлими бошляги вазифасини бажарувчи.

РАССОМ ХАНДАСИ



Шарвор рабуланд: — Қандай ошми музқили дейсизми? Доммо парғез сағалат, кўпроқ бадатароиб билан шузуланиш. Биз шарворларнинг айтганин баъарсангиз, ортқча ваздан албатта, холос бўласиз... А.Ханов чизган сурат.

HURRIYAT logo and contact information for the newspaper.

Advertisement for Abdurasul JUMAKUL, a tax expert.

Advertisement for a real estate agency in Tashkent, listing phone numbers and services.

Advertisement for Farrux JABBOV, a sports agent, listing contact details.